

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 2 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 87 (7490)

## ҚАШҚА ВОҲАСИНИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ

Бугун жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, шу йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилган эди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессияси томонидан мазкур шаҳарга асос солинганлигининг 2700 йиллигини нишонлашда ушбу халқаро ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинган эса буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ватани кўҳна Кеш — Шаҳрисабзга нисбатан жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир яққол далили бўлди.

Шаҳар юбилейи муносабати билан Оксарой, Дорут-тиловат, Дорус-саодат мажмуалари, Чорсу савдо гумбази, Чубин мадрасаси каби тарихий обидалар таъмирланди. Қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлашни, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

(Давоми 2-бетда)



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар

Муҳтарам меҳмонлар!  
Бугун қадимий Кеш воҳасида катта байрам, катта тантана.

Оллоҳ назари тушган Ватанимиз тарихининг энг кўҳна ва теран илдизларидан бири бўлган қадимий ва доимо навқирон Шаҳрисабз бугун ўзининг 2700 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқда. Дунёга ўзининг кўрку камоли, қадди-бастини намоён қилмоқда.

Бу гўзал шаҳар бугун мана шу заминнинг умрбоқий қадриятларини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг нақадар қадимий ва муқаддаслигини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Қадри дўстлар!  
Шаҳрисабз деганда биз, аввало олис замонларда аждоқларимиз яшаган, тарихда гоҳ Гава Счуда, гоҳ Наутака, гоҳ Кеш деб ном олган қадимий

маконни тасаввур қиламиз.

Бу шаҳар ўзининг узоқ ўтмиши давомида не-не кунларни кўрмади. Тарих тўфонлари, босқинлар оқибатида неча бор вайронага айланиб, култепалар устида неча бор қайта тикланди.

Аммо на замоннинг мураккаб синовлари, на истилою урушлар, на табиий офатлар бу шаҳарни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шу табаррук заминда дунёга келиб, унинг тарбиясини олиб вояга етган, доимо маррур бўлиб яшаган инсонларнинг йиллар давомида мардлик ва бунёдкорлик намуналарини дунёга намоён этиб келди.

Шаҳрисабз деганда, даставвал хаёлимизда ўзининг ақлзаковати, беқиёс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темур бобомизнинг ўлмас сиймоси жонланади.  
(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.  
Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда фаол қатнашсинлар.  
2. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши тузилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика даражасида Жамғарма

Ҳомийлик кенгашининг раиси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилсин.  
Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жўрғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.  
Болалар спорт иншоотларининг моддий базасини қуриш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан масъулият шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.  
Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган биттадан етакчи мутахассислар штати киритилсин.  
3. Қуйидагилар:  
Ўзбекистон Болалар спортини ривож-

лантириш жамғармаси тузилмаси, унинг чекланган ходимлари сони 18 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси ва минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси;  
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом маъқуллансин.  
Белгилабсинки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.  
4. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:  
Жамғарма олдида қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини, шунингдек хорижий шериклар маблағларини жалб этишни таъминлаш;  
болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни, шунингдек болалар спорт иншоотлари лойиҳаларининг намунавий, илмий асосланган негизда ишлаб чиқишини ва жорий этилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;  
Жамғармага унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳар томонлама кўмаклашиш;  
Жамғарма томонидан тўпланган маблағлардан мақсадли (йўналишлар бўйи-

ча) ва қонуний равишда фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш, Жамғарма ижро этувчи директорининг ва унинг тузилмаларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш;  
Жамғарманинг таъсис конференциясини ўтказишда, уни ноҳукумат халқаро ташкилот сифатида белгилабган тартибда рўйхатдан ўтказишда ва унинг тузилмалари раҳбарларини тасдиқлашда кўмаклашиш тавсия қилинсин.  
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.  
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Жамғарма, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Давархитектурурилиш» кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемасини  
(Давоми 2-бетда)

## ҚАШҚА ВОҲАСИНИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳими, байрам тарадду-ди мустақиллик туфайли мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ҳақиқий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, неча минг йиллик қадриятларимизни қарор топтириш, ўзгичилишни теран англаш, қадимий шаҳарларимиз, азиз-авлиёлар қадамжоларини обод қилиш борасидаги улғувор ишларнинг изчил давоми сифатида кишиларимизни гоё руҳлантириб юборди.

... Яшил шаҳар. Оқсарой. Кўкғумбаз. Бугун Шаҳрисабзга даҳлдор номлардаги ана шу рангинлик, кеч ҳазорез фасли эканига қарамай, шаҳарнинг хуснатоватида ҳам ўз аксини топгандек. Бобокалонимиз Амир Темур қурдирган муаззам обидаларнинг нақшинкор кошнларни кўзини қамаштиради. Бошқа бир буюк бобомиз — Алишер Навоий ҳазратларининг табаррук излари қолган қадимий кўчалар гавжум. Байроқлар, гуллар сурурбахш, байрам кайфиятидаги ҳамюртларимиз юзидаги табасум эса офтобдек беҳад ёқимли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1 ноябрь куни мазкур сана муносабати билан Шаҳрисабзга ташрифи Кўкғумбаз масжиди зиёратидан бошланди.

Ислоҳ Каримов таъмирдан кейин янада кўркамлашган, яшарган, янгиланган, умри узайган тарихий обидаларни кўздан кечирар экан, яқинда — 14 октябрь куни Шаҳрисабзга сафари чоғида бу иншоотлар таъмири юзасидан билдирган таклиф ва тавсияларни кўнгилдагидек амалга оширилганидан мамнуниятини яширмади.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнидаги кўкка буй чўзган қадимий ва азим чинорларнинг ёши аниқланиб, улар давлат муҳофазасига олингани ҳақида лавҳалар ўрнатилди. Айниқса, ана шу асрий чинорлар пойидаги лавҳалардан бирида Юртбошимиз лутф этган куйидаги сўзларнинг қайд этилгани зиёратчиларни тўлқинлантириб юбориши табиий: "Муқаддас жойдагина аждодлар экан дарахтлар ўсади ва муқаддас куч уларни асрлар оша асрайди".

Мамлакатимиз раҳбари бу азим чинорларни асраб-авайлаш, тарихий обидаларни авлодлар учун мана шундай гўзал ва навақирон ҳолда сақлаш катта

масъулият ва шараф эканини яна бир бор ўқтирди.

Шундан сўнг Президентимиз шаҳар юбилейининг асосий тантаналари ўтадиган Амир Темур майдонига йўл олди.

Кўхна Кеш ўз тарихида турфа байрамларни кўп кўрган. Аммо бугунги айём ўзининг бетакрор шуқуҳи ва таровати билан уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Майдон марказидаги улкан амфитеатр мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган вакиллар, воҳа фаоллари, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан гавжум.

Президент Ислоҳ Каримов тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни қадим шаҳарнинг қутлуг тўйи билан муборакбод этди.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн йиғилганларни мазкур нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацуура номидан самимий қутлар экан, қадимги Кешнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрнини юксак баҳолади.

Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов, меҳнат фахрийси Э.Бозоров, Зулфия Давлат мукотибдорлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги лицей ўқувчиси Г.Эргашева юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, бой тарихимизни тўлалигича ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, жумладан, қадимий Шаҳрисабзнинг бугунги тўйи унун Юртбошимизга миннатдорлик сўзларини изҳор этди.

Шаҳар юбилейига бағишланган томошалар бошланди. Театрлаштирилган дастурларда кўхна Кешнинг олис ва шонли тарихи, бугунги куни теран бадиий лавҳаларда гавдалантирилди.

Куй кўшиққа, кўшиқ рақсга уланди. Истиқлол, истиқбол, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта турмушимиз васф этилган жўшқин қасидалардан руҳланиб, кўнгилда шукроналик туйғулари мавжланади. Шундай кезларда ҳаёдан Президентимиз Шаҳрисабз обидаларини зиёрат этиш чоғида айтган куйидаги сўзлари кечади:

"Муқаддас жойлар доимо юртни асрайди".

Фулор Мирзо,  
Абдуҷалол Тайпатов,  
ЎЗА махсус мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳрисабз бу улғу зотнинг бешигини тебратган, уни камолга етказган мўтабар маскандир. Бобокалонимизнинг элулусни бирлаштириш, она дёримизни босқинчилардан озод қилишида, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ва қудратли давлат қуришида айнан шу замин унга куч-қувват ва мадад берган.

Амир Темур бобомиз Шаҳрисабз ва Кеш воҳасини жони дилдан севган, қадрлаган, ҳатто ўз салтанатининг пойтахти қилмоқчи бўлган. Бу ерда қанчадан-қанча гўзал ва бетакрор иншоотларни барпо этиб, шаҳарни қайта қуриб, бутун дунёга танитган, унинг ривожига чексиз ҳисса қўшган.

Соҳибқироннинг: «Кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, биз қурган иморатларни келиб кўрсин», деган сўзлари бугун ҳам ўз маъно-мазмунини йўқотган эмас. Шаҳрисабз деганда тасаввуримизда аввало мангу яшил шаҳар, юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак ҳисор тоғлари намоён бўлади.

Ва, табиийки, Шаҳрисабз деганда, биз «Илму адаб куббаси», деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз. Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, моҳир ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган.

Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оқсарой, Дорус-саодат, Дорус-тиловат, Кўкғумбаз каби мухташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Мухаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва ҳазрати Башир каби азиз-авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоиру алломалар Шаҳрисабз доврўғини дунёга таратган.

Жаҳон маданияти хазинасига бекиёс ҳисса қўшган Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо толиб каби мумтоз сиймоларнинг насл-насаби Шаҳрисабз заминидан чиққани ҳам бу тупроқнинг илоҳий хосиятидан далолат беради.

Шу ўринда, азиз дўстларим, сизларнинг эътиборингизни сирли бир аломатга қаратмоқчиман.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнида бугун ҳам яшнаб турган қадимий чинорларни кўпчилигимиз кўрганмиз. Мен ҳар гал бу ерда бўлганимда, бундай дарахтлар фақат муқаддас жойларда ўсади, деган фикр беихтиёр кўнглимдан ўтади. Балки бу чинорларнинг ниҳолини бир пайлар Амир Темур бобомиз ўз қўли билан эккан бўлса, ажаб

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

эмас, деб ўйлайман.

Ва Шаҳрисабзнинг муқаддас тимсоллари бўлмиш бу азамат дарахтларни илоҳий бир куч асраб, бугунги ва келажак авлодларга етказиб келаётгандек туюлади.

Азиз дўстлар!

Бугун Шаҳрисабз файзу таровати билан кўзларни қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб турибди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ҳеч шубҳасиз, Шаҳрисабз ва Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга экани, унинг бетакрор ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида гапиришимиз бугун албатта ўринлидир.

Бугун бу ҳақиқатни нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё тан олмақда.

Лекин мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккинмасдан, Яратганининг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган баркикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшилиқни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлур эдим.

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан елкама-елка, ҳамфикр бўлиб меҳнат қилган, ҳаётимнинг азиз дамларида айланган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган хурмат ва ишонч, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миннатдорлик билан эслайман.

Қадрили ватандошлар!

Бизнинг истиқлол йилларида Шаҳрисабз марказида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкалини тиклаганимиз, бу муборак заминда ётган буюк зотларнинг мақбараларини обод қилиб, аждодларимиз руҳи олдидаги фарзандлик бурчини адо этганимиз янги тарихимиздаги катта, унутилмас воқеадир.

Бу юртнинг чиройига чирой, салоҳиятига яна салоҳият қўшадиган ибратли ишларни давом эттиришимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ва Шаҳрисабз нафақат деҳқончилик, саноат, ҳунармандчилик ва маданият масканига, балки бутун дунёдан зиёратчи ва сайёҳлар оқиб келадиган гўзал ва замонавий шаҳарга айланиши муқаррар.

Бу йил Шаҳрисабз, бутун Қашқадарё аҳлининг барча соҳаларда омади келди. Мен фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун табиий шароит оғир бўлган мана шу мавсумда белни маҳкам боғлаб, фидоқорона меҳнат қилган, мамлақати-

мизда энг кўп - 684 минг тоннадан зиёд галла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирган азамат деҳқонларни, сиз, лафзи ҳалол қашқадарёликларни қўлга киритган улкан галабангиз билан чин қалбимдан табриклайман ва ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдираман.

Хурматли дўстлар!

Мана шу унутилмас, қувончли кунда менинг суянчим, таянчим бўлган сиз, Қашқадарё ёшларига, сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига бир даъват билан муурожаат қилмоқчиман.

Аслида бу менинг даъватим эмас, балки улғу аждодларимизнинг бизга қолдирган ўлмас маънавий ўғитларидир. Мен шу даъватни сизларга яна бир марта эслатмоқчиман.

Гурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш Амир Темур бобомизнинг худди шу заминда туриб, келгуси наслларга қарата айтган «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» деган сўзлари ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин.

Токи юрагингизда ўт, билангингизда куч-қудрат бор экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бугунги кунда ана шу даъватга ҳамиша муносиб бўлинг.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деб кўтарган истиқлол байроғини, хуррият байроғини сизлар янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман.

Азиз ватандошларим!

Мен ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда Шаҳрисабз элини, бутун халқимизни бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, мана шундай ёруғ кунларимиз кўп бўлсин, қашққа воҳасининг зумрад гавҳари - Шаҳрисабз дунё турғунча турсин, дейман.

Икки минг етти юз йиллик тарихни ўз елкасида кўтариб турган бу афсонавий шаҳар қошида бош эгиб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган сиз, азиз юртдошларимизга таъзим қиламан.

Мен ноёб асрий обидаларимизни кўз қорачиғидек сақлаб келаётган, кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, янги янги иншоотлар барпо этаётган моҳир қурувчи ва усталаримиз, муҳандис ва меъмоларимизга, мана шу савобли ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ва хорижий элчихоналар вакилларига чин дилдан ташаккур айтаман.

Ҳаммангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2003 йил 1 январгача ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этсин, бунда уларнинг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, шунингдек замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозланишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ болаларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлигига эҳтиёжини, шунингдек болалар спорт комплексларининг санитария-гигиена ва маиший шароитларига қўйиладиган юксак талабларни ҳисобга олувчи болалар спорт комплексларининг базавий намунавий лойиҳала-

ри тендер асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

Жамғарма болалар спорт комплекслари базавий намунавий лойиҳаларининг буюртмачиси этиб белгилансин, бош лойиҳалаштириш ташкилоти функциялари «Давархитектқурилиш» кўмитасининг «ЎЗЛИТТИ» акциядорлик жамиятига юклансин.

Белгилансинки, экспертизадан ўтмаган ва «Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишилмаган болалар спорт комплексларини қуриш қатъий тақиқланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Жамғарманинг минтақавий фили-

алларини жойлаштириш, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун мебель ва зарур техника, алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи дирекциясини жойлаштириш учун бир ой муддатда бино ажратсин.

9. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюммаси шартнома асосида Жамғарма дирекция-

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 31 октябрь

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси 10 йиллиги олдидан

## КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Эришаётган ютуқларимизнинг, осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг негизда Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий асослар мужассамдир. Жамиятимиз ҳаётининг мезони бўлган Бош қонунимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини теран англаш, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантириш долзарб вазифалардан биридир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу Фармойиш талабларини тўлақонли бажариш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида талайгина хайрли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, Тошкент шаҳри ўқув муассасаларидан танлаб олинган ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчилари «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курси бўйича махсус семинарларда малака оширди. Шунингдек, мазкур курсни ўрганиш учун зарур бўлган дастур, ўқув қўлланмаси ва дидактик воситалари ишлаб чиқилиб, ўқув юртларига тарқатилди.

Мана икки йилдирки, юртимиздаги барча таълим муассасалари академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курси таълим жараёнига муваффақиятли жорий этилмоқда. Шу билан бирга Бош қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга янада самаралироқ ўргатиш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича олиб борилаётган турли тadbирлар ҳам эътиборга сазовордир.

Назокат Усмонова,  
ЎЗА мухбири

## АМЕРИКАЛИК БОЛАЛАР СОВҒАСИ

Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйида катта тadbир бўлиб ўтди. Бу даргоҳга АҚШ элчисининг рафиқаси Надежда Хёрбст хоним ташриф буюриб, Американинг Индиана штатидаги Клинтон Централ мактаби ўқувчиларининг ўзбекистонлик тенгдошларига жўнатган совғаларини тақдим этди. Ватанида рўй берган 11 сентябрь воқеаларидан сўнг америкалик ўқувчилар Ўзбекистондаги ота-онаси йўқ, қаровсиз болаларга шодлик бағишлаб, улар билан дўстлик алоқаларини боғлаш мақсадида 1500 АҚШ доллари миқдорида тфел, китоблар, турли анжомлари, мусикалардан иборат совғадилар. Надежда Хёрбст хоним бу тadbир халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, дея фикр билдирди ва буларнинг иштирокчилари — Клинтон Централ мактаби ўқувчиларининг фотосуратлари, хат ва шахсий имзолари билан тилаклар битилган альбомини меҳрибонлик уйига топширди. Альбомни меҳрибонлик уйи директори Гулнора Хабирнонова қабул қилар экан, болажонлар номидан ташаккур билдирди. Ҳомийлардан «Харт ту Харт Интернэшнл» ижтимоий ташкилоти 700 кг.лик совға — юкни АҚШдан Ўзбекистонга олиб келишга кўмаклашди. Шунингдек, мазкур тadbирни ташкил этишда АК-СЕЛС ва ПИАСК нодавлат ташкилотлари бош-қош бўлдилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## ҒОЛИБ ЖАМОАГА — КОМПЬЮТЕР МАЖМУИ

Жиззах вилояти бўйича ўтказилган «Йил мактаби-2002» кўрик-танловининг вилоят босқичи 10-мактабда бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан келган ғолиб жамоалар қатнашди.

«Йил мактаби-2002» кўрик-танловининг Низомига кўра мактаблар ўз фаолиятида ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилиши юзасидан олиб бораётган ишларини кўрсатишга асосий эътиборни

қаратишди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра 1-ўрин Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослашган иқтидорли болалар мактабига берилди. Зарбдор туманидаги 3-мактаб 2-ўринни ва Янгиобод туманидаги 3-мактаб 3-ўринни қўлга киритди. Ғолиб жамоа — 22-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактабига мукофот тариқасида компьютер совға қилинди.

### Bir tumandan ikki xabar

Жиззах шаҳридаги 16-мактабда Қарияларни кадрлаш йилига бағишлаб «Аждодлар мероси муқаддас» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда ҳар бир туманда ғолибликни қўлга киритган мактаб жамоалари иштирок этди.

Аждодлар меросини кадрлаш, уни ўрганиш ҳар биримиз учун муқаддас вазифа. Чунончи, ўқувчилар сахна кўринишларида аждодларимиздан қолган бебаҳо бойлик — уларнинг асарлари, қилган

таълим вазири Саидахор Фулмонов қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва Корея олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистон ректорлар Кенгаши ҳамда Осиё Университетлар Федерацияси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокара олиб борилди. Бўлиб ўтган мулоқотдан сўнг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, «Устоз» Республика жамғармаси ва Осиё Университетлар Федерацияси ўртасида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, талабаларни қисқа муддатли стажировкага юбориш ҳамда

### Muzokara

тетлар Федерацияси, унинг фаолияти ва мақсад-вазифалари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Мазкур федерация 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, Осиё минтақасида университетларaro ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш асосий мақсад-вазифаси ҳисобланади. Айни пайтда федерацияга Хитой, Индонезия, Малайзия, Тайван, Вьетнам, Филиппин, Корея, Ҳиндистон, Непал, Таиланд ва Осиёнинг бошқа давлатларидаги нуфузли университетлар аъзоликка қабул қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ТАЪЛИМИ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

шартномага асосан кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, талабаларга дарс беришда турли замонавий таълим дастурларидан фойдаланиш ва уларни янада такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни тизимга жорий қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, талабаларнинг ўзаро алмашинуви соҳаларида ҳамкорликда иш олиб борилди. Шунингдек, мазкур институт Осиё

Университетлар Федерацияси (унга қўшнинг 50 дан зиёд нуфузли университетлари аъзо ҳисобланади) билан ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Институт жамоаси билан бўлиб ўтган учрашув чоғида федерация президенти, профессор Кьюинг Жун Ли хоним шарқшунослик институти жамоасини федерациянинг тўлақонли аъзолигига қабул қилинганлиги билан кутлади. Ўз навбатида, Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ҳам профессор Кьюинг Жун Ли хонимга ўзгача эҳтиром кўрсатиб, институтнинг фахрий докторлик унвонини топширди.

Шу ўринда Осиё Универси-

Кореялик меҳмон институт ўқув жараёни билан танишди, профессор-ўқитувчилар, талабалар билан ўзаро мулоқот олиб борди. Профессор Кьюинг Жун Ли институт ўқитувчиларининг малакаси, талабаларнинг билими, қобилиятига юксак баҳо берди.

Осиё Университетлар Федерацияси президенти мамлакатимизга ташрифи чоғида, шунингдек, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди, ўқитувчи ва талабалар билан мулоқот ўтказди.

Мартабали меҳмонни мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус

Ўзбекистон олий таълим муассасалари ва Осиё давлатларидаги университетлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Унда профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашинуви, ахборот ва педагогик технологиялар, шунингдек техника йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўзаро ахборот алмашинуви кўзда тутилган.

Учрашувда пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ — МУҚАДДАС

Жиззах шаҳридаги 16-мактабда Қарияларни кадрлаш йилига бағишлаб «Аждодлар мероси муқаддас» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда ҳар бир туманда ғолибликни қўлга киритган мактаб жамоалари иштирок этди.

Аждодлар меросини кадрлаш, уни ўрганиш ҳар биримиз учун муқаддас вазифа. Чунончи, ўқувчилар сахна кўринишларида аждодларимиздан қолган бебаҳо бойлик — уларнинг асарлари, қилган хизматларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Зеро, боболар меросини ўрганиш бизнинг тарихга, миллий анъана ва қадриятларга бўлган ҳурматимизнинг ўзига хос рамзидир.

Кўрик-танловда барча шартларда юқори кўрсаткичга эришган Зарбдор туманидаги ихтисослашган иқтидорли ўқувчилар мактаби жамоаси 1-ўринни қўлга киритди, 2- ва 3-ўринлар Пахтакор туманидаги 7-мактаб ва Мирзачўл туманидаги 9-мактаб жамоасига насиб этди.

А.СОДИҚОВ

**Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг Мачай қишлоғида истиқомат қилувчи муаллим Олтибой Тўракуловнинг тахририятимизга йўллаган хатида қишлоғидаги 46-мактабнинг раҳбарлар эътиборидан четда қолаётганлиги ва яна мачайликлар турмуш тарзи унчалик яхши эмаслиги қаламга олинганди, махсус мухбиримиз тахририятимиз топшириги билан яқинда ана шу мактабда бўлди.**

## ЙЎЛ АЗОБИ

Мачай қишлоғи Бойсун тумани марказидан 52 километр йироқда, тоғлар бағрида жойлашган. Ана шу қишлоқ Мачай жамоа ширкат хўжалигининг маркази ҳисобланади. Мачайдан ташқари Қизил Навир, Кенг Дара ва Газа Хўжадиён қишлоқлари ҳам худди ана шу худудда жойлашган. Хуллас, Мачай томонларда тўрт минг нафарга яқин аҳоли яшайди, 5 та мактаб бор. Аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул.

Жорий йилнинг 21—23 апрель кунлари ёққан кучли ёмғир, дарҳақиқат мачайликларга каттагина зиён етказди. Анча-мунча экин майдонлари, уй ва мактаб бинолари, электр тармоқлари селдан зарар кўрди. Энг ёмони, ўша сув тошқини мачайликларни туман маркази билан боғлаб турувчи «Мачай Дарбанд» йўлидаги мавжуд 5 та кўприкдан 3 тасини ўрни-туби билан олиб кетди.

Тубсиз даралар қатидаги бир томони жарликлардан иборат атиги битта машина сирадиган ваҳимали йўллардан ўтиб борарканмиз, ўша сув олиб кетган кўприклар ўрнидан 3 марта Мачай дарёсини кесиб ўтдик.

Қишга қадар ҳар учала кўприкни ҳам тиклашимиз керак, — дейди Бойсун тумани ҳокимининг муовини Муҳаммад Норкулов «УАЗ—69»нинг филдиракларини — да кўмиб оқаётган дарёга тикилганича. — Ҳозиргача сел олиб кетган йўлларни деярли тузатиб бўлдиқ. Электр тармоқларини қайта таъмирлаб, ток уладик...

Сел мачайликларнинг яккаю-ягона йўлларини ишдан чиқарган. Шу нарсани тан олиш керакки, Бойсун тумани ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан йўлда анча-мунча ишлар амалга оширилган. Бироқ бажарилиши лозим бўлган ишларнинг энг асосийси, 3 та кўприкни қуриб битказишдир. Хўш, кўприклар қани? Йўқ! Қиш келишига ҳам унча вақт қолмади. Сўнг мачайликларнинг ҳоли не кечади?...

Шу ўринда яна битта гап. Мачайлик муаллим «Маърифат»га йўллаган шикоят хатида қишлоғидан туман марказига ав-

тобус қатнаши талабини қўйган. Авваламбор, шуни айтиш керакки, ҳалигача Мачайга автобус қатнамаган. Бизнинг фикри ожизимизча ҳам бу йўлларда одам боласини автобусларда олиб юриш ножоиз. Бироқ, тоғ шароитига мос, кичик русумли, айтайлик, «УАЗ» типидagi давлат автокорхоналарига қарашли 1-2 та машинани шу йўлга аҳолига хизмат қилиш учун қўйишнинг иложи йўқмикан? Ахир, мачайликларнинг неча-нечалаб шахсий «УАЗ-69» авто-

дўконига ҳам ташриф буюрдик. Шу куни дўконда 8 турдаги кундалик истеъмол молларидан 5 тури, яъни ун, ёғ, чой, макарон, гугурт бору, аммо туз ва совун, шакар йўқ эди.

— Уннинг 50 килолик халтасини 7 500 сўмдан сотаяпман. Тўғриси, уннинг савдоси яхши эмас. Аҳолида ғалла бор, — деди ўзини Ж.Тўрахонов деб таништирган 15-сонли савдо дўкони сотувчиси. — Гуручани 600 сўмдан сотаяпмиз. Пахта ёғни банкада олишса 1200

# ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МАКТАБ

машиналарида ҳеч бир давлат идорасига бир сўм тўламасдан йил—ўн икки ой ўзлари хоҳлаган нархларда «киракашлик» қилиб юришибди-ку?

Хуллас, мачайликларни ҳам «йўл азоблари»дан қутқармоқ учун мутасадди раҳбарлар ҳали анча-мунча бош қотиришлари керак.

## МАЧАЙЛИК ЎҚУВЧИЛАР ДАРСЛИКЛАРНИ КАЕРДАН СОТИБ ОЛАДИ?

Шикоят хати муаллифи мачайликларнинг савдо хизматидан қийналишадиганлиги, қишлоқ дўконига 8 турдаги кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги ҳақида ёзганлари, ўзлари ўқитувчи бўлсалар-да, дарслик савдоси ҳақида лом-мим демагани ажабланарли.

Сафаримиз жараёнида Бойсун тумани улгуржи чакана савдо акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси А.Маматалиев билан ҳам суҳбатлашдик. У киши мачайликларга савдо хизмати кўрсатаётган 15-сонли дўконга 8 турдаги кундалик истеъмол молларини етарлича етказиб бераётганликларини айтиб, бу ҳақда маълумотларни ҳам илова қилди.

Мачайда бўлган кунимиз ўша 15-сонли савдо

сўмдан, килода олишса, 1300 сўмдан сотаяпмиз...

— Китоб савдоси билан ҳам шуғулланасизми? — сўрадик сотувчидан.

— Ўтган йили дарсликлар олиб келган эдим. Ҳеч ким олмади, сотолмадим. Қайтариб топширдим. Бу йил китоб савдоси билан шуғулланмадим ҳам. Қишлоқда муаллимлар ҳам, бошқа кишилар ҳам китоб олиб келиб сотгани йўқ. Чунки китобнинг харидори йўқ ҳисоби.

## ИШЛАГАННИНГ ҚОРНИ ТЎҚ

Шикоят хатидаги «Йўл азобидан яқинда 2 нафар мачайлик ҳалок бўлди». «Мачайликларнинг 80 фоизи очликдан қийналишяпти» деган сатрлар бизни ўйлантирганди. Наҳотки, бу рост бўлса?

Мачайликлар билан суҳбатлашдик. Ҳар бир мачайликнинг ёки лалми, ёки озми-қўпми суғориладиган ер майдонлари бор. Уларнинг айрим удабурунлари фойдаланилмаётган тепаликлар ёнбағирларидан ер ўзлаштириб арпа-бугдой, зифир, нўхат, қовун-тарвуз етиштиришяпти, қўй-эчки, қорамолларини йилдан-йилга кўпайтиришяпти.

— Қишлоқнинг ҳеч биридан бирон кишини бу яқин йилларда йўл

азобидан ҳалок бўлганлигини эшитмадим, — дейди Мачай жамоа ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Тожимурод Паёнов биз билан бўлган суҳбатда. — Бундан 2 йил аввал юрак хасталигига чалинган бир бемор йўлда, автомашинада ҳалок бўлган. Бунинг тошқин ёки селга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— Айниқса, мустақиллик йилларида мачайликлар бой яшашяпти, — дейди фуқаролар йиғини раиси Чори ака Бердиев. — Мана, ўзларингиз кўрдингизлар, магазинда ун турибди. Одамлар олишмаяпти. Негаки, деярли ҳамма хонадонда бугдой бор. «Мачайликларнинг 80 фоизи очликдан қийналишяпти» эмиш. Бу мутлақо бўҳтон-ку! Шикоят хати йўллаган ўша Олтибой Тўракулов домланинг уйларида менинг билишим-

## Jurnalist tekshiruv

лар қуриб, тупроқдан тепалик ҳосил бўлган.

— Нега бунини шу пайтгача бирор томонга олиб ташламадингизлар? — деб сўради Бойсун туман ХТБ мудир Абдулатиф Норкулов мактаб директори Нуриддин Муродовдан.

— Бошим қотган, — деди мактаб директори ХТБ мудирга алам билан. — Муаллимларнинг бири бир томонга, яна бошқа бири бошқа томонга тортади. Қуни кеча мактабга ўтин олиб келишга ҳеч ким бормади. Ўзим бордим...

Тупроқ уюми жойида қолаверсин, биз мактабга кирайлик. Мактаб залидан бўйнига «қизил галстук» таққан, собиқ шўролар ҳукумати давридан буён деворга осил-

бўлмоғи керак. Ҳеч бўлмаганда, талаблар даражасидаги ишларни бажариб қўймоғи лозим. Шундай эмасми? Хуллас, бирмунча яхши ишларни кўриш истагида хат муаллифи Олтибой ака Тўракулов раҳбарлик қилаётган 2-«А» синфхонасига кирдик. Синфхона қурилганда қандай бўлса, шундайлигича турибди...

— Домла, нега синфхонанинг ҳеч қандай жиҳоз йўқ? — дея сўрадик Олтибой акадан.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, сентябрь у ёқда турсин, ҳали август ойидаги иш ҳақимни ҳам, нафақа пулимни ҳам олганим йўқ, — деди Олтибой Тўракулов. — Хонани жиҳозлаш учун қоғоз керак, бўёқ керак ва ҳоказо. Пулларимни олсам, сўнгра жиҳозлайман-да...

Бошланғич синф муаллимларидан Тошназар Холмўминовни суҳбатга тортдик. Ўқитувчининг дарс вақтида режа ва конспекти у ёқда турсин, ҳалигача Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан хабари ҳам йўқлиги афсусланарли ҳол.

— Сизлар бизга бир фойдали иш қилиб бериб кетингизлар, — дейди Тошназар Холмўминов. — Ўтган йили мактабни таъмирлаш учун ўқувчилардан тўплаб мактаб раҳбарларига берган пулларимиз изсиз йўқолди. Ана шу пулларни топиб берингиз...

Ҳа, Мачайнинг 400 нафарга яқин ўқувчию 34 нафар ўқитувчиси жам бўлган кичкинагина мактабда бир оламга етгулик гап-сўзлару «деди-деди»лар бор.

Тан олиш жоизки, Бойсун тумани ХТБнинг Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимлари орасида ўзига хос салоҳияти бор. Хуллас, Мачайда ноҳус манзаралар кўп, мактаб ҳам обод эмас. 46-мактабда муаллимлар бир-бирларига «ёвқараш» қилганларича, номигагина ишга келиб-кетиб туришибди. Ҳақиқатни айтар бўлсак, дарслар талаблар даражасида ўтилмаяпти. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб борилаётган машғулотлар йўқ ҳисоби. Ўқувчиларнинг қўлларидан ҳатто дарсликлар йўқ. Мактаб раҳбарлари эса «Мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма» қабилда иш юритишяпти. Бундан мачайлик ёш авлод қолаверса, юртимиз зиён кўрмайяптими?

**Абдували ОБИДДИН,**  
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ча, ҳозир 2 тоннага яқин ғалласи бор. Олтибой домланинг ўзлари ногиронлик нафақаларини оладилар ва яна мактабда бир ярим ставка атрофида ишлайдилар. Бу шикоятни биз ҳали фуқаролар йиғинида яна ўрганаемиз.

Шикоят хатидаги фактлар ўз тасдиғини топмади. Дарҳақиқат, мачайликлар ўзига тўқ яшашяпти. Тўй-анъаналарини бекам кўст ўтказишяпти. Бир сўз билан айтганда, ишлаганнинг дастурхони тўкин, рўзғори бус-бутун бўлади.

## ИЗЛАГАН ИМКОН, ИЗЛАМАГАН БАҲОНА ТОПАДИ

Шикоят хатида «Эътибордан четда қолган мактаб» дея эътироз билдирилган 46-мактабга ташриф буюрдик. Мактабда 2-босқичда ўқиётган бошланғич синфларда машғулотлар ўтилатган экан.

Ҳовли, тўзиб етибди, яқин орада супурги тегмаган. Ўқувчиларнинг бирини нақд ярмигача тупроқ уюмлари ўраган. Уюлган тупроқ айрим синфларнинг деразаларини ҳам қоплаган. Ажабланманг, ўша апрель ойидаги селдан уюлган лой-

либ туравериб «шалвираб» қолган кўргазмани девордан олдирик. Хоналардан бир нечасига кирдик.

Мана, пештоқига «Она тили ва адабиёт хонаси» деб ёзилган хона. Столлар майиб, ўтиргичлар мажруҳ. Неча йиллардирки, бу жиҳозларнинг юзлари бўёқ кўрмаган. Синган ва ёрилган жойлари таъмирланмаган. Хона мутлақо жиҳозланмаган. Галдагиси 1-синф ва битирувчи 11-синф ўқувчилари ўқийдиган синфхона экан. Хонада ҳеч вақо йўқ—4 та девор, вассалом.

Пештоқига «Физика хонаси» деб ёзиб қўйилган хонага бош суқдик. Яна ўша гап. Бу хонанинг олдинги хонадан фарқи шундан иборатки, хонанинг эшиги эртаминдинми, албатта, қулаб тушса керак. Яна бир хонага кирдик. 3-«Б» синф ўқувчиларига ўқитувчи Жўра Холиқов математика фанидан дарс ўтаётган экан. 21 ўқувчидан 17 нафари дарсга келишган. Атиги 5 нафар ўқувчида математика дарслиги бор, холос. Уларнинг ҳам иккитаси яроқсиз аҳволга тушганига анча бўлган. Хона олдинги хоналарнинг такрори.

Адолатни қарор топтирувчи, узоқ-яқинларга хат йўлловчи одамнинг ишида ўзгалардан фарқ

**Хоразм — ўзининг жозибатор, бебаҳо санъати билан қадимдан жаҳонга машҳур, табаррук замин. Бугунги меҳмонимиз воҳанинг таниқли санъаткор аёлларидан бири, ўзининг дилрабо овози билан миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган хонанда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Олмаҳон Ҳайитовадир.**

### Меҳмонхона



басталади. Ушбу кўшиқ ўша пайтда халқимиз томонидан жуда яхши кутиб олинди. Халқнинг ичидан, пахта терими давридаги беллашувлардан иборат бу кўшиқ ҳалигача ўз қимматини, жозибасини йўқотмаган. Ҳозир ҳам концертларда, тўйларда шу кўшиғимни сўрашади.

— **Ўша пайтлар санъаткорларга ҳурмат, эътибор ўзгача бўлган. Бориб кон-**

шила, машқнинг пастлиги. Ё танлаган сўзинг ёқмаган, ё ўрнига қўйиб ҳақиқий, юракдан айта олмаганинг...

— **Ҳар бир соҳанинг моҳир эгаси ўзига издош, шогирдлар тайёрлаб боради. Уларга ўзининг бор маҳоратини, сирларини ўргатади. Сизнинг шогирдларингиз кўнглингиздагидек ижод қила олиш-яптими?**

— Шогирдларимнинг барча санъат сирларини чуқур эгаллашларига, ўзларида санъаткорда мужассам бўлиши керак бўлган фазилатларни шакллантиришларига астойдил ҳаракат қилганман. Оғабек Собиров, Улуғбек Бобожонов, Ирода Искандарова, Феруза Жуманиёзова, Тожикистонда Мастона Эргашева каби истеъдодли шогирдларим санъатимни давом эттирмақдалар.

— **Қайси хорижий давлатларда сафарларда бўлгансиз? Таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

— Икки марта АҚШда, икки марта Маккаю Мадина-

чалик оддий бўлса, шунчалик халққа яқинроқ бўлади. Бугунги кунда санъаткорлар орасида бу нарса кўпроқ сезилмоқда, айниқса, тўйларга борганларида. Бир инсоннинг умр бўйи йиғиб қилаётган хурсандчилигини бориб баҳам кўриш ўрнига битта кўшиқни айтиб-айтмасдан кетиб қолишлар, “ёғлироқ” жойларга бориш илинжида оддий инсоннинг тўйини рад этишларнинг кўплаб гувоҳи бўлмоқдамиз. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳофизларимиз тўйларга бемалол бориб хизмат қиладиган бўлишди. Олдинлари тўйга чиққан хонанда борки, дарров танқид остига олиниб, “отарчи” деган тамға қўйиларди. Бугунги шароитни эса барчамиз ўзимизга яратилган имкониятнинг очик эшикларини деб билишимиз керак.

— **Асрлар оша сайқаллашиб келаётган, халқимизнинг ўлмас мероси бўлган “Муножот”, “Қора кўзим”, “Чапандози сувора”, “Феруз” сингари мумтоз ашулаларнинг ёшлар томонидан кам куйланаётгани, эшитилмаётгани ташвишланарли ҳол. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Афсуски, бизнинг қадимий куйларимиз йўқолиш даражасига бориб қоляпти, чунки кекса ижрочилар ҳам бирин-кетин оламдан ўтмоқдалар... Ҳозир Ҳожихон, Шерозий, Нурмат ака, Матқарим ҳофиздек куйлай оладиган ким бор? Қани энди ёшларимиз мумтоз куй-кўшиқларни, ўша мақомларни сидқидилдан ўрганиб, ўзларининг ижрочилиқ дастурларига киритишса, бебаҳо, бетакрор бу меросимиз дунёсидан баҳраманд бўлмай туриб, яхши санъаткор бўлиш қийинлигини англаб етишса.

— **Халқимиз азалдан ўзи суйган инсонларнинг оилавий аҳволи билан қизиққан, фарзандларингиз ичидан санъаткорликни танлагани борми?**

— Афсуски йўқ. Болаларимнинг барчаси бошқа соҳаларда фаолият юритмоқдалар. Тўрт нафар фарзандимнинг барчасини уйли, рўзгорли қилиб қутулганман. Ҳаммасидан кўнглим тўқ. Гарчи санъат йўлини танламаган бўлишса-да, ўз соҳаларининг етук мутахассиси бўлиб халқимизга хизмат қилмоқдалар. Турмуш ўртоғим Руслан ака билан 12 нафар неварачеваларнинг бува-бувижониси бўлиб ўтирибмиз.

— **Олмаҳон опа, суҳбатимиз сўнггида ўқитувчиларимизга бўлган тилақларингиз...**

— Ўқитувчи инсон руҳининг инженерини, келажак қурувчиси ҳисобланади. Агар устоз янглишса, шу биргина хатоси шогирдлар орқали келажакка ҳам ўтиб кетади. Шундай экан, устозларимизнинг машаққатли, шунинг билан бирга шарафли фаолиятларига улкан зафарлар тилайман. Холисона хизматлари давомида ҳеч қачон толмасинлар.

— **Мароқли ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

Назокат ХОЛМЕТОВА  
суҳбатлашди.

— **Олмаҳон опа, умрингизнинг энг унутилмас дамлари — болалигингиз, ўқувчилик даврларингиз, устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз...**

— Мен оилада бешинчи фарзанд бўлиб дунёга келганман. Отам — Ҳайитбой қурувчилик касбида бутун умр меҳнат қилган. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган отам печ (Хоразмга хос) ясашда донғи кетган қурувчи бўлганлар. Ҳаттоки, Хива хонларининг печларини ҳам қуриб берган эканлар. Онам Шукуржон — уй бекаси бўлганлар. Оилада кенжатоғ фарзанд бўлганлигим учун акаларимнинг ортидан эргашиб, ўзимиз яшаётган маҳалладами, кўчада тўй-маъракага борардим. Тўйга келган санъаткорларга мўъжизага қарагандек суқланиб қарардим ва кўшиқларидан эсимда қолган мисраларини ўзимча мингиллаб, қўлимда тол ёки қамишни “тор” қилиб чалиб, мол-қўй боқишга чиқардим. Молларга қараб юриб, ўзимча хиргойи қилардим. 7 ёшимдан мактабга қатнай бошладим. Биринчи ўқитувчим Ўринбой ака математика фани муаллими эдилар.

— **Санъатга кириб келишингизга устозларингизнинг бевосита боғлиқлиги бўлганми?**

— Албатта, устознинг ҳар бир хатти-ҳаракати улғаяётган бола онгига жиддий таъсир ўтказиши табиий ҳол. Мана шу ҳаракат менга устозим орқали ўтиб, ижобий самара берган. Ҳар доим ҳам устознинг ижобий хислатлари мурғак қалбга жо бўлса, нур устига нур бўларди. Мактабимиз директори Анабиби опа 3-синфда менга “Тонг отмасдан уйғонибди киз бола” деган кўшиқни ўргатдилар ва мен мактабда бўладиган ҳар қандай тадбирда шу кўшиғим билан иштирок этадиган бўлдим. 7-синфда ўқиб юрганымда Тошкентда санъат фестивали бўлди ва бу фестивалда ўша “машҳур” кўшиғим билан иштирок этдим. Шунда кўшиғим тугаши билан ўша пайтдаги республика радиосининг мусиқа бўлими мудир Сафия Бухораева деган аёл югуриб келиб, мени бағрига босиб, “айланиб кетай қизим, сочларинг мунча жингалак” деб радиога олиб кетди. У ёқда кўшиғимни студияда ёзиб олишди ва эфирда бу кўшиқ ўша пайтларда бир неча бор янграган.

— **Бу ҳодисадан кейин ўзингизни бироз катта бўлиб қолгандек, омадларок ҳис қилгандирсиз?**

— Албатта, ҳали ёш қизалоқ учун бу катта муваффақият эди. Лекин унчалик кеккайиб ҳам кетмадим, чунки оиламизда ҳеч қандай санъ-

аткор бўлмаган. Шунинг учун акаларимга менинг кўшиқ айтишим ёқмас эди. Шу зайлда изланишларим давом этаверди ва бунда энг аввало мактабимиз мусиқа тўғраги раҳбари, устозим — Ўқтам Саидовдан бутун умр миннатдорман. 1959 йилда Москвада Ўзбекистон санъати кунлари бўлиб ўтди. Ушбу маросимдан мен совриндор бўлиб қайтдим. Ватанимизга қайтиб келганимизда эса устозимиз Комилжон Отаниёзов бизларни йиғиб, Тошкентга олиб келдилар ва Маннон Уйғур номидаги театрда Хоразм ашула ва рақс ансамбли тузилди ҳамда биз бу ерда 1961 йилгача ишладик. Кейинчалик Қори Ёқубов номидаги филармония қошида ан-

## “ТОНГ ОТМАСДАН УЙҒОНИБДИ ҚИЗ БОЛА”

бу Олмаҳон ҲАЙИТОВАнинг 10 ёшда айтган  
илк кўшиғи эди

самбля тузилди ва бу ерда 1968 йилгача фаолият кўрсатдим. Устозим Комилжон Отаниёзов билан бирга “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам” достонини ижро этганмиз. Устозим билан биргаликда 160 та кўшиқ куйлаганмиз. Халқимиз ардоқлаб тингловчи “Найлайин”, “Ёр санинг галганинг билобилмадим”, “Фарибжонни галтир”, “Учирдим шунқор қушимни” каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

— **“Олма отди” номли кўшигингиз халқимиз орасида катта шухрат қозонган. Шу кўшиқнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Олтмишинчи йилларнинг бошлари. Ҳали Фафур Фулом ҳаёт эди. Комилжон Отаниёзов ўша пайтлари Тошкентда истиқомат қилар, Фафур Фулом билан деярли маҳалладош эди. Устоз билан арчашиб қолган шoir: “Ансамблнинг Олмаҳон деган бир қизинг бор экан, радиодан “Ўзбекистон гуллари” кўшиғини эшитиб, қойил қолдим. Бу қизнинг овози ҳам, айтиш услуби ҳам менга жуда ёқди. Шахсан шу шогирдинга бир кўшиқ айттирсам, деб ният қилувдим. Бугун тонгда бир шеър ёздим, албатта айтсин”, дебдилар. Шундан сўнг устозим шеърни менга берди ва матн халқона оҳангда ёзилганлиги, йўноқлиги билан менга маъқул тушди. Матнга Султон Ҳайитбоев куй

церт қўйишса, стадионларга одам сигмай кетган, дейишади. Ҳозирги кунда одамлар концертларга кўпчилик ҳолларда зериканидан борадилар. Буни сиз қандай баҳолайсиз?

— Катта-катта стадионларда концерт берганимизда одамлар азбаройи ўтирадиган жой йўқлигидан уйларида кўрпачалар олиб келиб ўтиришарди. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўт ўчирувчи машиналар келиб турарди. Одам кўп бўлгандан кейин ҳар қандай тўполон келиб чиқиши мумкин-да! Ҳозирги кундаги бўлиб ўтаётган концерт дастурлари ҳам ўзининг жозибалилиги, саҳна безаклари, муסיқасининг шўхлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Лекин томошабиндан қарсак сотиб олиниши, кўшиқлар олдиндан ёзиб қўйилган дискни қўйиб, оғзини қимирлатиб туришлар халқнинг санъаткорга бўлган ишончини йўқотади. Халқни алдашдан ёмони бўлмаса керак. Бу борада ҳозирда етишиб чиқаётган ижодкорларга ҳам устозимнинг берган насиҳатларини эслатиб ўтишни лозим деб биламан:

“Саҳнага ҳар бир чиқишининг ўзи сен учун катта имтиҳон. Ўша чиқишдаги кўшиқларингни томошабин тўлқинланиб, тинимсиз қарсаклар билан кутиб олсангизнинг, лоқайдлик ила қар-

да бўлиб қайтдим. Ҳиндистон, Покистон, Франция, Германия каби ўттизга яқин хорижий мамлакатларга қилган сафарларим ҳам кўнглимни ўтган. Хорижликлар олдида Ўзбекистон, хусусан, Хоразм санъати жозибасини, шон-шухратини уларга етказишга ҳаракат қилдим.

Хорижда ҳар гал саҳнага чиқганимда руҳиятимни шундай бир жўшқинлик, завқшавқ чулғаб олардики, қўлимдаги тор булбулдек сайраб, унинг оҳанрабо садолари бошим узра парвоз қилаётгандай, Амудек бир жўшқинлик илҳом бағишларди. Бу — Хоразм мақомлари ва кўшиқларининг жозибасини, санъатининг ўзи сеҳрли бир қудрат эканлигини ўзга элда хорижлик мухлисларга намойиш қилишдек олий бир ҳис-туйғу эди.

— **Назаримда ҳозирги ёш хонандаларга озрок камтарлик, оддийлик етишмаётгандек. Бир ёки иккита кўшиқ куйлаб, ўзини “юлдуз” даражасига етдим, деб ўйлайдиганлар кўпаймоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Шунисидан хурсандманки, бизнинг сафимиз ёш, иқтидорли ижодкорлар билан тўлиб бораёпти. Уларнинг жарангли овозидан, ёш бўлишига қарамай, ижрочилиқ маҳоратидан жуда ҳам қувонасан киши. Санъаткорга ҳар доим халқ кўз тикиб туради, у қан-

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури II босқичи таълим мазмунига янги педагогик технологияларни кенг қамровда олиб кириш вазифасини қўймоқда. Чунончи, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга, Она-Ватанга ҳурмат туйғусини сингдиришда, ўз халқининг аъёнларига ифтихор туйғусини таркиб топтиришда, ўқиш дарсларининг ўрни бекиёсдир. Мен бунини инобатга олган ҳолда 2-синф ўқиш дарсида "Она юртим — олтин бешигим" бўлими юзасидан умумлаштирувчи дарсимда куйидагиларни мақсад қилиб олиб, киндик қонимиз томган она замин — Ўзбекистон ва унинг вилоятлари, шаҳар ва қишлоқлари шу юртда яшовчи ҳар бир киши учун муқаддаслигини сингдиришга ҳаракат қиламан.

Юрт ободлиги, фаровонлиги эса халқнинг куч-қудрати, саховатпешалиги туфайли юзга келиши тўғрисида тушунча бериб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари билан таништираман.

Республикамиз пойтахти — Тошкент эканлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Андижон, Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Навоий каби вилоятлари борлиги ҳақида Ўзбекистон харитаси орқали маълумот бериб, бўлим юзасидан такрорлаш ўтказаман. Бу билан ўқувчиларни Ватанни севишга, унинг ҳар бир заррасини авайлаб асраш руҳида тарбиялашга интилам.

Бу мавзунини ўқишда Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларининг тарихий обидалари расмлари, Ўзбекистон Республикасининг харитаси, тест саволлари ҳамда дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ишлатиладиган мантиқий

ўйинлардан фойдаланаман.

Менинг энг яқин ёрдамчим "Ўқиш китоби" дарслиги ҳисобланади. Техник восита сифатида магнитофондан фойдаланаман.

Дарсни куйидаги тартибда олиб бораман. Ўқувчилар билан саломлашиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро эттираман ва дарсни кириш сўзи билан бошлайман.

— Азиз болажонлар, биз бугун ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг бўлган она диёримиз, жаннатмакон юртимиз, дунёга машҳур бўлган Ўзбекистонимиз ҳақида суҳбат юритамиз. Ҳар бир

шени инобатга олиб учун ҳар бир гуруҳга алоҳида тест топшириқлари бераман. Тест топшириқлари куйидагича бўлиб, 3 гуруҳга берилди.

1. Ватан ҳақидаги мақол қайси жавобда берилган?

- А. Иш иштаҳа очар,  
Дангаса ишдан қочар.  
В. Гапни кам сўзла,  
Ишни кўп кўзла  
Д. Булбул чаманни севар,  
Одам — Ватанни.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғида неча хил ранг мавжуд?

- А. 4 та; В. 3 та; Д. 2 та.

3. Сиз қайси республикада яшайсиз?

давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир".

"Саёҳат"дан сўнг ўқувчилар ўз республикаларининг хариталари жойлашиш ўрнини чуқурроқ билиб олиш мақсадида "Ўз Ватаним харитаси" ўйинини ўйнашга киришадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоси Ўзбекистон Республикаси харитаси андозасини 1 дақиқа ичида чизиб, пойтахт Тошкент шаҳри жойлашган ерни белгилаши керак. Бунинг учун ҳар бир ўқувчига Ўзбекистон Республикаси харитасини қоғозга (картонга) чизилган андозаси тарқатилади. Ўқувчилар давлатимиз чегарасини ушбу андоза ёрдамида

## ВАТАНЧИ ЖАМОАТИНИ, КЎКДАГИ ЗУХРО

кишининг туғилиб ўсган жойининг азиз ва мўътабар Ватани ҳисобланади, шундай эмасми?

Албатта, биз Ўзбекистон номи билан дунёга машҳур бўлган гўзал Ватанда яшаймиз. Ватанимиз кенг ва бепоён. Унда ям-яшил водийлар, баланд тоғлар, дарё ва кўллар бор. Бепоён ўлкамизни сайр қилган кишининг гуллаб-яшнаган боғлари, гулзорлари ичра баҳри-дили очилади.

Мана, диёримиз ахли 11 йилдирки, ўзининг Мустақиллик байрамини нишонлаб келмоқда. Биз ҳам сиз билан бугунги дарсимизни она- Ватанимизга бағишлаймиз. Ана шундай руҳлантиришдан сўнг синф ўқувчиларини 3 гуруҳга бўламан. Ҳар бир гуруҳнинг сардорини ва гуруҳ номларини ("Чаман", "Истиклол", "Амир Темур") эълон қиламан.

Дарс мусобақа тарзида ўти-

- А) Туркистонда; В) Туронда;  
Д) Ўзбекистонда.

Тест топшириқлари бажарилгач, "Конституция оламига саёҳат" деб номланган 2-топшириққа ўтаман.

1-гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасини айтади:

"Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади".

2-гуруҳ эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасини шарҳлайди.

"Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга".

3-гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасини шарҳлайди: "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида

белгиладилар.

Дарсда давомида Ватанимизни улуғловчи "Мушоира" ўйинидан ҳам фойдаланаман. Гуруҳ аъзолари она-юрт ҳақидаги шеърлардан ёд айтадилар.

Мақтаганда булбул Сайраб чаманин,  
Мен нечун мактамай  
Она-Ватаним.  
Кучоғида туғилиб,  
Яйрадим, ўсдим.  
У билан тўқисдир  
Йўқ каму кўстим.  
Ватаним жамолинг,  
Кўкдаги Зухро.  
Жаҳонда сен ўзинг,  
Ягона танҳо.

Фаол иштирок этган гуруҳ аъзолари "Балли!", "Баракалла!", "Офарин!" рағбат карточкалари билан тақдирлаб борилади.

Ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида "Алифбо ўйини" ўтказаман. Унда

### Sinab ko'ring

алифбодаги ҳарфларнинг жойлашиш ўрнини билиш зарур. Дарс математика билан боғланади. Йиғиндидаги сон орқали алифбодаги ҳарфлари аниқланади:

10 + 9 = 19	Т
18 + 3 = 21	В
2 + 6 = 8	И
0 + 1 = 1	А
7 + 6 = 13	Н
10 + 9 = 19	Т
20 + 8 = 28	Ч
2 - 1 = 1	А
6 + 5 = 11	Л
9 + 4 = 13	Н
4 + 4 = 8	И
2 + 8 = 10	К

Дарсни "Номини топ" ўйинига боғлаб юбораман ва топшириқлар бераман. Улар ўз билимдонликларини намоён эта бошлайдилар.

Бахслар сўнггида ўқувчилар фикрларини умумлаштириб, уларга қарата шундай дейман:

— Азиз болажонлар! Биз бугун икболи баланд, хурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг бўлган она заминимиз ҳақида жуда кўп маълумотлар билиб олдик. Бунда сизнинг билимингиз, зукколингиз, донолингиз катта ёрдам берди.

Қариялари ҳурматда, момо, боболари иззатда бўлган, Оллоҳ назари тушган бу мўътабар заминнинг сиз азиз фарзандлари келажақда ўз Ватанини севувчи, ардоқловчи буюк шахслар бўлиб этишишингизга иймоним комил.

Дарс якунида фаол иштирок этган гуруҳ ўқувчиларини баҳолайман. Уйга вазифа қилиб, ижод дафтари — "Менинг сеvimли китобчам"га она-юртимиз ҳақида ўз билганларини ёзишнинг вазифа қилиб бераман.

**Ирода ҲАМИДОВА,**  
Тошкент шаҳар Мирзо  
Улуғбек туманидаги 121-  
мактабнинг бошланғич  
синф ўқитувчиси

Саволнинг бу тарзда қуйилиши ажабланишли бўлиши мумкин. Негаки, кузги таътил бор-йўғи бир ҳафтадан иборат, куз юмиб-очгунча утиб кетади. Аммо вақтнинг олтиндан ҳам қадрли эканини ҳисобга олсак, ҳар дақиқа ҳам беҳуда сарфланмаса, деймиз.

Октябрь ойида 6-синф ўқувчиларини Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига олиб бордим. Эртасига эса музейдан олинган таассуротлар асосида иншо ёзишни топширдим.

Уйлаб қоламан, пойтахтимизда бундай музейлар қанча?

Санъат музейи, тарих музейи, табиат музейи, амалий санъат музейи, Ғ.Ғулом, Ойбек, Қодирий уй-музейлари, "Шаҳидлар хотираси" хиёбони, Хотира майдони, Темурийлар тарихи музейи. Аммо у ерда доим ҳам ўқувчиларни учратавермайсиз. Сабаби ҳар кунни дарс, югур-югурлар.

Бизнингча, кузги таътил музейларга бориш учун жуда қўлай палла. Музейлар — тарих, адабиёт санъат

### Taklif

курмай 11-синфни битириб кетган ўқувчилар борлиги ҳам ҳақиқат. Бу маънавият-сизликми, ҳурматсизликми, беписандликми, лоқайдликми?

Бизнингча, кузги таътилда музейларга бориш — энг савобли, энг фойдали иш.

Пойтахтдан йироқда яшовчилар, мактаб ўқувчилари музейларга зиёрат қилишни истайдими... йул ҳаражатлари муаммо бўлади. Қанийди, ҳомий ташкилотлар таътил кунларида ўқув-

Икки оғиз сўз зиёрат одоби ҳақида. Ўқувчиларни зиёратга олиб боришдан аввал, албатта, уларга жамоат жойларида, зиёратгоҳларда узларини қандай тутишлари лозимлигини тушунтириш, экспонатларни қўл билан ушлаш мумкин эмаслигини ўқитиш лозим. Бунинг ҳамма билди, дейишингиз мумкин. Афсуски, шундай эмас. Акс ҳолда айримлар музей залларида югуриб, назоратчи-кузатувчилар "тегманлар" деб огоҳлантиришса ҳам улар қўлларини бирор буюм-

## КУЗГИ ТАЪТИЛДА ЎҚУВЧИ ҚАЕРГА БОРИШИ КЕРАК?

Иншо кутилган натижани берди. Ҳар бир ўқувчи музейда кўрганлари, экспонатлар, деворий расмлар, китоблар, у ердаги шоир ва ёзувчиларнинг шахсий архивлари, маҳорат билан чизилган 7 гузал ва ёзувчилар портрети ҳақида тўлиб-тошиб ёзган. Уларнинг музейдан олган билимларини мактабда бир ойда ҳам бериш мушкул. Чунки "Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал"да. Музей илмий ходимлари Нафис санъат лицейи ўқувчилари бу даргоҳга тез-тез келиб туришларини таъкидладилар. Ҳа, бу лицей ўқувчиларининг узгалардан устунлиги, билимдонлиги, зукколиги оғизга тушган. Балки бунда музейнинг ҳам таъсири бордир? Шубҳасиз, бор.

ойнаси. Куз олдингида неча асрларни жонлантириб, бой манба берувчи маскандир. Таътилда устозлар ўқувчиларини бош булиб музейларга олиб борсалар, улар маънавиятини бойитсалар қанийди. Пойтахтда бунга барча имконият бор, лекин хоҳиш камдек, назаримда. Бу эса, "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" мақолини эслатади.

Купгина турли кўрик-танловларга келган вилоят ўқитувчилари ва ўқувчилари учун музейларга саёҳат уюштирилади. Бу бежиз эмас. Чунки пойтахтга келиб музейларни кўрмай кетиш маънавиятли инсонга хос эмас. Бироқ пойтахтда яшаб, шаҳар мактабларида ўқиб адабиёт музейини

чи учун транспорт, автобус ажратишса ва музейларга келиб-кетишлари учун сарф-харажатни қоплашса...

Бунда улар Қибрай нефть базаси раҳбарларидан урناк олсалар арзийди. Гап шундаки, Тошкент вилоят Қибрай туманидаги 21-мактаб ўқувчиларини нефть базаси ҳомийликка олган, доим уларнинг музей, циркка келишлари учун автобус ажратишди. Мухими, улар ҳар бир таътидан бохабарлар.

Балки бу мақола сабаб ўқувчиларни музейларга жалб этиш кучаяр, балки кузги таътилни мазмунли ўтказишнинг бошқа усуллари топилар. Ҳар ҳолда, таътил мазмунли ўтиши тарафдоримиз.

га бир тегизиб олишга ҳаракат қилдилар. Ёки "Шаҳидлар хотираси", "Хотира" хиёбонларида югуриб юришади.

Адабиёт музейидаги баъзи расмлар остидаги ўқувчилар исми ёзилган жойни куриб ранжийсан киши. Ахир, бу асарлар авлодларга ҳали яна куп замонлар хизмат қилиши кераклигини ўқувчи ҳис қилмаганидан эмасми бу ҳолат? Хуллас, кузги таътилда зиёратга бориш, музейларни куриш, урганиш, зиёрат одобига риоя этиш — маънавият белгисидир. Бунинг унутмайлик.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА**  
Юнусобод туманидаги 274-мактаб  
муаллимаси

## ҲАМ ТАҲСИЛ, ҲАМ ДАРОМАД

Фарғона вилоятида 2002 йил охирига қадар 14 та касб-ҳунар коллежига мўлжалланган бинонинг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шундан утаси Фарғона шаҳрида, Фурқат ва Учкўприк туманларида янги ўқув йилининг дастлабки кунларида ўз бағрига талабаларни қабул қилди.

Учкўприкдаги қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган касб-ҳунар коллежига бу йил ҳужжат топширган ўқувчилардан 200 нафари махсус синовлар асосида саралаб олинди. Улар ҳозир барча қулайликларга эга, замонавий дизайнда безатилган, илгор ўқув-техника куроллари билан жиҳозланган хоналарда сабоқ олишяпти. Талабалар бухгалтерия ҳисоби, молия-кредит, фермер-ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, тикувчилик, ЭХМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ҳамда ишлаш каби йўналишлар бўйича ўз билимларини бойитиб боришяпти.

Ёшлар сергайрат бўлишди. Улар ўқишдан кейинги бўш вақтларини ҳам фаол ўтказишлари керак бўлади. Бунинг учун коллежда ўзига хос имкониятлар яратилган. Масалан, кутубхона фан тўғараклари, турли номдаги клублар, спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Спорт залида ўқувчилар волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, теннис, кураш билан шуғулланадилар.

Янги ўқув даргоҳи жамоаси, шунингдек, амалий машғулотлар асосида маблаг ишлаб топишни ҳам йўлга қўйишган. Улар ўтган ўқув йилида биргина тикувчилик цехида ички имкониятлардан фойдаланиб, чойшаб ва ёстиқ жилдларини тайёрлашда ҳам 1 млн. 300 минг сўм ишлаб топиди. Даромад коллежнинг турли эҳтиёжларини қоплашга сарфланяпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ

Болалар ота-оналар учун доимо кичкина, балоғатга етса ҳам ёшдай кўринаверади. Бу табиий ҳол бўлиб, ота-она руҳиятига табиат томонидан жойлаштирилган ҳимоя ҳиссиётидир. Мана шу ҳимоя ҳисси кўп ҳолларда болаларни баъзи машаққатлардан асраб қолса, айрим ҳолларда ёшларга уларнинг ўсиши ва ҳаётга мустақил қадам қўйишларида тўсиқ бўлади. Буни биз ўз ўрнида болага меҳр, деб қабул қиламиз-да, баъзан уларга тўсиқ бўлаётганлигимизни, ҳатто улар очиқ айтганда ҳам тан олмаймиз. Бу ҳол Фрейд тили билан айтганда, оналик руҳи билан чамбарчас боғланиб кетади.

Умуман олганда, боланинг мустақилликка интилиши жуда эрта бошланади. Овқатланишга талаб, гўдақликда; ўзим юраман деб қўйган биринчи қадам, илк ёшлиқда ва бошқалар. Кўп ҳолларда болага меҳр сифатида ўйинчоқларни бузма, деб кўрсатган ҳимоямиз уларни мустақилликдан чеклаётганини унутиб қўямиз.

Ота-онанинг болалар атрофида гиргиттон бўлиши қанчалик қуюқ бўлса, уларнинг ҳаётга мустақил назар ташлаши, амалиётдаги мустақиллиги шунчалик кечга қола бошлаши унутмаслигимиз керак. Шундай экан, биз фарзандларимизнинг мустақил ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб бормоғимиз керак. Бу ҳол болалардаги иқтидор ва имкониятнинг ҳолат ва даражасини аниқ баҳолашдан бошлангани маъқул. Шу жойда айтиб ўтиш лозимки, нотўлиқ оилаларда болалар кескин икки хил йўналишда ривож топиши мумкин. Бири ўта мустақил бўлиб ўсиш, ота бўлмаган оилаларда ота бажарадиган уй юмушларига мажбур бўлишдан уриниши. Иккинчиси, бундай оилаларда она сиқуви ва ўта парвоналик ҳимоясида қолиши. Бу мавзу анча кенг бўлганидан уни ҳозир четлаб ўтишга мажбурмиз.

Маълумки, ота-оналар ўз фарзандларининг қанчалик иқтидорли эканликларини билмасин, собиқ тузум даврида умумий ўрта таълим деган тушунча болаларни мактабда ўқиш давомида умумтенгликка ўргатар ва ундан чиқариб олишнинг чора ва имкониятлари анча чекланган эди. Бу ҳолат нафақат ўша тузумнинг фалсафа-

сига, қолаверса асл қиёфасига мос бўлиб, ўз ўрнида педагогика ва психологиясида ҳам қаттиқ ўрин олган эди.

Бугун замон ва тузум ўзгарганини ҳамма тан олади. Инсонларнинг Оллоҳ томонидан турли хил иқтидор билан яратилганини билишади. Ҳаёт ва ундаги амалиёт айна мана шунга мослашганини, ҳар ким ўз иқтидори ва имконияти даражасида яшаш лозимлигини бугунги бозор иқтисодиёти бешафқат талаб қилади. Аммо бу ўринда сиёсий, иқтисодий, давлат, жамият, миллат, жамоа ва қолаверса, алоҳида бир оиланинг кўникама ва одатлари ҳаётга ҳар доим ҳам мутаносиб ўзгаравер-

олиятдир. Аммо бизнингча, бу ҳол янада чуқурлашиши, бизга ўта оддий ва таниш бўлиб қолган умумтаълим мактаблари ҳам ўз фаолиятларини болаларнинг иқтидорлиликларига қараб ўзгартиришлари лозимга ўхшайди. Шундай бўлганда болаларнинг (ота-оналарнинг), кейинчалик шахсан болаларнинг умумтаълим мактаблари орасидан ҳам ўзларига мос келадиганларини танлаб олиш имконияти туғилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, болаларнинг тарбияси масаласига қайтар эканмиз, илгариги мақоламизда таъкидлаганимиздек, ёшларнинг руҳий, жисмоний ва табиий иқти-

на йўлга тушиб кетган. Мактабларнинг турли-туманлиги, улардаги талабларнинг хилма-хиллиги ота-оналар орасида ҳозирги кундаги ўз фарзандларининг тарбиясига анча сезиларли бефарқлик ва лоқайдликни камайтиради. Маълумки, кўпинча қатор ота-оналар ўз фарзандларини илк бор мактабга топширар экан, энди бола тарбияси билан мактаб шуғулланади, деган тушунчада, ўз бурчларини ҳам гарданларидан соқит қилишади. Кўпинча, асосий айб, тушунмовчилик, қолаверса, баъзи ҳолларда турли хилдаги фожеаларнинг бошланиши айнан мана шу жойда ётади. Тўғри, мактаб ҳам тарбия билан шуғулланади. Аммо унутмаслик керакки, мактаб асосан таълим билан, яъни фанлардан билим бериш билан шуғулланади. Бундан, албатта, алоҳида ахлоқ дарс ва соатлари мустасно.

Шундай экан, том маънода фарзандларимизга тарбияни биз уйда берамиз. Худди шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг ҳулқимизда ота-онамиздан олган, биринчи ўринда ирсий, иккинчи ўринда оиладаги амалий тарбиянинг бутун белгилари ўта бўртиб, кўриниб ва сезилиб туради. Демак, олти ёшли фарзандимизни унинг иқтидори даражасида ўзимиз танлаган мактабда бошлар эканмиз, биз бола тарбиясининг янги, ўта масъулиятли босқичи бошланганлигини унутмаслигимиз лозим.

Шу жойда яна бир нарсани қайд этиб ўтмоқчимизки, мактабларнинг соҳа ва йўналишларга қанчалик мослашгани бола тарбиясини шунчалик яхшилади. Бевоқифа соҳага мослашган мактаб шахсда ўша йўналишига мос ва керак бўлган хусусиятларни юқори даражада шакллантириб боради. Ахир, қурилиш соҳасига мослашган мактабда ўқийтган болада ушбу мактаб нафис санъат вакилларига мос хусусиятларни тарбиялай олмайди.

Жамият ўз тарихида тарбиянинг осон кечishi, аммо қайта тарбиянинг эса кўп ҳолларда натижаси ўта пастлигини яхши билади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,  
руҳшунослик фанлари  
номзоди

# ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

ОТА-ОНА ВА  
МАКТАБ

4-мақола

маслигини кўпчилик ўз вақтида илғаб ололмайди. Шунинг учун ота-оналар томонидан бола тарбияси муаммо ва амалиёти ўта секин ўзгариб боради. Демак, ушбу мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг бугунги ўсиб келаётган авлодга ишондан қолган, ҳозир амалиётда бўлган мактаб тизими қай даражада жавоб беради. Ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган биринчи савол, болалар (бу ҳолда ота-оналар деган маъқул) мактаб танлай оладими? Ўз ўрнида мактаблар ҳам ўзларига болаларни танлай оладими? Яъни жамият илгариги умумлаштириш ва ўртамайналаштириш воситасидан воз кеча олдими?

Маълумки, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, мактаблар ва уларнинг ички ва умумий тизимини ислоҳ қилишда давлатимиз томонидан жиддий ишлар қилинмоқда. Соҳалар бўйича коллеж ва лицейларнинг очилиши айнан мана шу болаларнинг иқтидорларини ҳисобга олиш йўналишидаги фа-

дорларидан келиб чиқиб, уларни ҳаётга тайёрлаш мавсумини анча ёшлиқларидан, яъни мактабгача таълимни биринчи босқичда уч ёшгача ва иккинчи асосий босқич олти ёшгача бошлаганимиз маъқул. Шунда уларнинг табиий ўсиш босқичлари алоҳида инобатга олинган бўлади ва амалда яхши натижалар беради.

Мана энди 6 ёшли фарзандимиз мактабга тайёрланар экан, бу борада ота-она нималарни билиши ва айниқса, ўз фарзандларининг жисмоний ва руҳий ўзгаришларини, имкониятларини, талаб ва ривож босқичларини билган ҳолда уларни қай йўсин ва йўналишда тайёрлашлари лозим, деган масалага келдик. Бугун жаҳонда кенг қўлланиб келинаётган мактабларда болаларни уларнинг иқтидорларига қараб қабул қилиш кенг жорий қилинади. Маълумки, жаҳон руҳшунослик фанида 1 Q, яъни, боланинг иқтидор даражасини аниқлаш усуллари яхшиги-

Ҳозирги даврда республикамиз таълим тизимини замонавий, информацион технологияларсиз тасавур қилиш қийин. Таълим жараёнига ана шундай юксак технологияларнинг кириб келиши ёшларнинг интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари, жаҳон стандарти даражасида билим эгаллашлари учун қўл келмоқда, дейиш мумкин. Авваллари компьютернинг сир-асрорларини тўла-тўқис тушуниб етиш бирмунча мураккаб туюларди. Чунки унинг турли тармоқларга бўлиниши, мантқиқий изчиллик билан ичига кириб бориш мумкинлиги каби қийин жиҳатлари мавжуд эди. Энди эса иланиши ва интилишлар самараси ўлароқ, унинг турли қирралари очилиб, ҳаттоки, ёшларнинг ўзлари бу мураккаб жараёнларнинг кашфиётчилари бўлишмоқда. Буни ўқув-услубий компьютер дастурлари ва мағруза матнлари яратилишида намунали фаолият олиб бораётган Тошкент молия ва иқтисодиёт коллеж мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур таълим масканида билим олаётган ёшларнинг

информацион технологиялардан унумли фойдаланаётганлигини уларнинг эришаётган яхши натижаларида кўриш мумкин. Бу ерда информатика, информацион технологиялар ва мониторинг Маркази мавжуд бўлиб, у қуйидаги учта йўналишда иш олиб бормоқда:

1. Таълим жараёнини ўқув информацион дастурлар би-

ва назорат қилиш учун эса 5 та компьютер дастури ҳам яратилган. Мониторинг гуруҳи аъзолари коллежнинг Интернет тармоғи ва электрон почтасини маълумотлар билан тўлдирди. Бу ерда мағруза матнлари яратишга кўпроқ эътибор қаратилади. Васийлар орқали барча маълумотлар олинади ва улардан мағруза матнлари

нинг педагог ва муҳандис-педагоглар томонидан умумтаълим ва касбий фанлар бўйича ишлаб чиқилган компьютер, мультимедиа ва электрон дастурлари ҳамда мағруза матнларининг айримлари билан таништирилган мумкин. Масалан, булар — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган, электрон

ама сифатида фойдаланишга тасвир қилинган. “Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларининг иш столи” электрон дастури ҳам бизни қизиқтирди. Унда POWER POINT, WORD ва EXCEL дастурлари муҳитида ўқув жараёнини таъкил қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар жамланган. Булар коллежда яратилаётган

иши мушкуллиги каби улар ҳам ушбу информацион технологиялар сабоғини мукамаллик даражасида эгаллашлари, айтиши мумкинки, талаб қилинади. Бу йўлда уларга ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳам мутахассислар келиб дарс беришади.

Таълим масканида 7 та мультимедиа мажмуаси ҳам ишларини мультимедиада ҳам ҳимоя қилишмоқда. Бу эса уларнинг компьютер сирларини мукамал билганликларидан далолатдир.

Мазкур таълим масканидаги ўқув услубий дастурларнинг яратилиши каби намунали ишларнинг тараққий этаётганлигини таълим жараёнига кириб келаётган янгилликлардан бири, дейиш мумкин. Уларни бугун бошқача ўқоқларига ҳам жорий қилиш, ёйиш, тажриба алмашиш фақат яхши натижалар беришига ишончимиз комил. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, кундалик ҳаётимизга шиддат билан кириб келиб, ривожланиб бораётган янги информацион технологияларнинг усулларидан фойдаланишни ёшларимиз жиддий ўзлаштирмоғи даркордир.

Фофур ЖАБИЕВ,  
“Ma'rifat” муҳбири

## ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ

лан таъминлаш (мультимедиа дастурлари, электрон китоблар яратиш);

2. Электрон кутубхонани мағруза матнлари билан бойитиш;

3. Таълим жараёнини бошқаришнинг электрон услуби устида ишлаш, машғулотлар олиб бориш.

Бугунгача коллеж ўқитувчилари томонидан 22 та фан бўйича мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилган.

Таълим жараёнини таҳлил

сифатида фойдаланилади. Янги алифбода таълим олганлар учун кирилл алифбосидаги сўзлар бирмунча мураккаб бўлиб, маълумотларни тезкор равишда эгаллашлари учун муаммо туғдириши мумкин. Бундай пайтда уларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур Марказнинг бир минут ичида барча дастурларни янги алифбога алмаштириш имконияти ҳам мавжуд.

Мазкур таълим даргоҳи-


слайдларини ўз ичига олган “Иқтисодиёт асослари”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Маркетинг асослари”, “Информацион технологиялар”, “Пахта яққа-ҳокимлиги, экологик вазият” ва бошқалар. Шунингдек, “К о н с т и т у ц и я м и з — бахтимиз пойдевори” мультимедиа дастури кенг жамоатчилик, фуқароларнинг конституцион маданиятини оширишда дастурил-

алоҳида компьютер дастурлари ва мағруза матнлари бўйича қисқачина, чекланган маълумотлардир. Тўлиқ маълумот олишни истовчилар таълим муассасасининг ўзига мурожаат қилиши мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда таълим олувчилар компьютер олдида бекорчиликдан ўтиришмайди. Компьютерда ишлаш олмаслик улар учун ёт. Таълимда таҳлилсиз бир мақсадга эри-







## ШИФОКОРНИНГ "УМР ДАФТАРИ"

Ҳаёт чигиригидан ўтган ва ўтиб келаётган бир ҳақиқат бор: ҳар бир олим ўзининг иқтидори салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда илму фан тараққиётига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади. Аммо уларнинг ҳаммасига ҳам ўзининг мактабини яратиш бахти насиб этмавермайди. Чунки, бундай бахтга эришиш учун фақатгина иқтидор ва илмий шижоатнинг ўзи етарли бўлмай, у олимдан ҳар томонлама

фидокор бўлиш, мақсадага интилувчанлик, ўз-ўзи ва атрофдагиларга талабчанликни талаб қилади. Албатта, бу йўлда олим кўпгина табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтиши зарур. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, хизмат кўрсатган фан арбоби ва шифокор, халқаро Беруний номидаги мукофот совриндори Исҳоқ Мусабоев ҳаёти давомида бундай ҳолат-

ларга кўп бора дуч келган ва уни енгиб ўтиб, бу соҳада ўз мактабини ярата олган олимдир.

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти ана шундай инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг

бугунги авлодга ибрат намунаси бўлиши учун "Машҳур шифокорлар ҳаётидан" туркумида атоқли олим И.Мусабоев ҳаёт йўлини акс эттирувчи "Умр дафтари" ҳужжатли қиссасини нашрдан чиқарди. Китоб муаллифлари Бахтиёр Омон ва Алижон Зоҳидийлар ўрта Осиё инфекцияли оғирлигининг устози, эпидемиология ва юқумли касалликлар фанининг республикамиздаги асосчиси, эл назариданги ши-



фокор Исҳоқ Мусабоевнинг ибратли ҳаётини қизиқарли ҳикоялар асосида ёритиб берган. Ўйлаймизки, "Умр дафтари" тиббиёт соҳасига чин дилдан ихлос қўйган ёш шифокорлар, талаба ёшларга сабоқ бўлгулик китоб бўла олади.

Ш.НИШОНОВ

## ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

"Чўлпон" нашриётида яқинда босилиб чиққан "Ватан тарихидан ҳикоялар" (5-синф ўқувчилари учун) дарслигини ўқисангиз, юксак туйғулар дилингизни ёритади, она юртимизнинг бой тарихи, ўтмишини янада яхшироқ билиб olasiz.

Марҳум академик Бўрибой Аҳмедов томонидан ёзилган (масъул муҳаррир — тарих фанлари доктори, профессор Қамариддин Усмонов) "Ватан тарихидан ҳикоялар" дарслиги истиқлол юзлари билан суғорилган, ёш авлодга ўз она тарихи ҳақида ҳаққоний билим беришга қаратилган ана шундай илк мўътабар қўлланма сифатида қадрлидир.

Ўқувчилар бу китоб саҳифалари орқали ўлкамизда ибтидоий даврларда яшаган одамларнинг турмуш тарзига ишлатган буюмлари, тош қуроқларига аниқ тасаввурга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон тупроғидан топилган кўҳна қазилма ёдгорликлар воситасида исботланади. Дарсликда дастлабки йирик қабилалар бирлашмалари — туркий қавмлардан бўлган сак (шак)лар, массагетлар ҳамда эроний қавмларга мансуб сўғдийлар ҳақида ҳолис маълумотлар берилган. Бу қавмлар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзига хос катта маданият яратгани, ҳалол меҳнати билан юртни яшатиб, ёшларга қарши бирга курашгани манбалардан олинган ҳаётий мисолларда, турли лав-ҳаларда ҳаққоний далиллаб берилди. Манбалар, ҳужжатларнинг бойлиги ва аниқлиги китобнинг энг катта фазилатларидан биридир.

Жумладан, муаллиф ибтидоий одамлар турмуши ҳақида гапирганда Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, шунингдек, Германия, Франция, Африка, Хитойдан топилган ёдгорликларга таянади. Саклар, массагетлар, сўғдийларнинг турмуши ва Искандар Зулқарнайннинг мамлакатимизга қилган юришларини ҳикоя қилганда, қадимий Эрон (Персеполис, Суза ва Экбатан)дан топилган миҳнатлар, Бехустун қоя тошларидаги ёзувлар, "Авесто" китоби ҳамда Геродот, Страбон, Арриан, Квинт Курций Руф, Птоломей каби қадимий юнон ва Рим тарихчиларининг асарларига асосланиб фикр юрилади. Туркий халқлар тарихига бағишланган саҳифаларни ёзишда эса Мўғлистон, Олтой, Сибирь ва Ўрта Осиёдан топилган руник битиклар ҳамда Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур "Девону луготит турк" асарига суянади.


Кейинги даврларга оид воқеалар баёнида ҳам араб, форс, турк, Европа, Хитой олимлари яратган кўплаб нодир тарихий манбалар, қўлёзмалар, архив ҳужжатларидан фойдаланилади.

Китоб "Қадимий аждодларимиз", "Соҳибқирон Амир Темур", "Ўзбек хонликлари даври", "Россия босқини", "Миллий мустақилликнинг дастлабки одамлари" каби боблардан иборат.

Юксак савияда ёзилган бу янги дарслик ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчи-мураббийлар ва ота-оналар учун ҳам қимматли сова бўлди.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

## "ОРТОПЕДИЯДАН 50 САВОЛГА 50 ЖАВОБ"



Мамлакатимиз аҳли маънавий дунёсини бойитиш йулида фаоли-

ят юритиб келаётган нашриётларнинг ҳар бирининг узига хос йуналишлари мавжуд. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Мазкур нашриёт ҳам халқимизни тиббиёт соҳасидаги адабиётлар ва янгиликлар билан мунтазам таништириб бориш йулида бир қатор ишларни амалга ошираётир. Жумладан, "Суранг, жавоб берамиз" туркумида тиббиёт соҳасининг турли масалалари

юзасидан кенг ўқувчилар оммасини қизиқтирган саволларга мунтазам равишда жавоб бериб борилади. Шу туркум доирасига кирувчи "Ортопедиядан 50 саволга 50 жавоб" рисоласи (муаллифлар Ш.Ҳамроев, С.Маннонов) нашрида одамнинг қадди-қомати бузилишига алоқадор касалликлар ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, туғма ва орттирилган ортопедик касалликлар ичида туғма қийшиқ буйин ва

қоматнинг бузилиши кўпроқ учрайди. Мазкур рисолада қийшиқ буйиннинг энг кўп учрайдиган олти тури ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, рисолада ҳар бир янги тугилган чақалоққа эътибор билан қараш ва уни уз вақтида шифокор ортопедларга курсатиш зарурлиги хусусида сўз юритилади.

Мазкур рисола ўқувчиларга кундалик ҳаётда кўп бора фойда келтириши, шубҳасиз.


## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"НИ ЎҚИНИ

"Жаҳон адабиёти" журналининг янги сони нашрдан чиқди.

Ушбу сонда ўқувчилар Суот Дарвишнинг "Фосфорли Жаврия" романининг сўнгги қисмларини ўқишлари мумкин. Романни Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржима қилган.

Абдулла Аъзамнинг "Жек Лондон эртагининг ниҳояси" драмаси машҳур ёзувчи Жек Лондоннинг "Бир кеча тунаш" ва "Эртақдан сўнг" ҳикоялари асосида ёзилган. Асар драма ихлосмандларига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Владислав Ходосевич ва Уильям Вордсворт шеърлари (Ойгул Суюндиқова ва Абдул Ҳамид таржималари) назм муҳлисларига мўлжалланган. "Сўнмас сиймолар" рукни остида берилган "Ибн Батута" (Ҳабибулла Зайниддин), "Мозийдан садолар" рукнидаги "Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи" (Франсуа Бернье. Амир Файзулла ва Файзи Шоҳисмоил таржимаси) тарихга қизиқувчи муштарийларни



Август 2002

янги-янги маълумотлар билан таништиради. Жон Голсуорсининг "Олти адибнинг қиёфасига чизгилар" асарида Чарльз Диккенс, Иван Тургенев, Лев Толстой, Ги де Мопассан, Жозеф Конрад, Анатолий Франс, Александр Дюма, Антон Чехов, Стивенсон, У.Г.Хадсон каби XIX асрнинг жаҳонга машҳур адиблари ижодидаги ўзига хосликлар ва муштаракликлар юзасидан фикр юритилган.

"Китоблар оламида" рукнида Фулом Карим Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асарининг ўзбек тилидаги нашри хусусида сўз юритган. "Саргузашт, детектив, фантастика" ишқибозлари Дэвид Вейснинг "Моцартнинг ўлими" романининг давоми билан танишадилар. Асарни Низом Комил ўзбекчалаштирган. Бир сўз билан айтганда, Шарқу Фарб адабиёти, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлардан боғабар бўлиб боришни хоҳлаганлар "Жаҳон адабиёти" журналининг ўқиб борсинлар.

1925 йилдан буён мунтазам равишда чиқиб келаётган "Гулистон" журнали, ўз саҳифаларида мамлакатимиз ва хориз ҳаётдан лавҳалар, забардаст адибларнинг кўнгилларни асир этувчи асарлари билан биргаликда аёллар учун турли маслаҳатлар бериб боради.

Замона шиддатими ёки матбуот тараққиёти сабабми "Гулистон" кун-



муд Комилжоновнинг "Савоб" номли мақоласи эълон қилинган. Мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида қилинган ободончилик ишлари ҳақида сўз боради.

Бундан ташқари Шаҳноза Соатова, Ойгул Сафарбой қизи, академик Мурод Шарифхўжаев, Салоҳиддин Азизбоев каби халқнинг таниқли ва суюкли фарзандлари ҳам журналнинг мазмунли чиқишида ўз ҳиссаларини қўшишиб, ажойиб мақолалари билан ундан жой олишган.

Назму наср ихлосмандлари учун атоқли адиб Шукур Холмирзаевнинг "От йили" қиссасининг давоми ҳамда шоира Э.Шукурова ва Шерзод Халилнинг нафис шеърлари берилган.

Бир сўз билан айтганда, "Гулистон"ни варақлаган ҳар бир киши замон нафасини ҳис этади.

А.МУХТОРОВ

## ЗАМОН САДОСИ

дан-кунга ўзгача чирой касб этмоқда. Янги нашрдан чиққан журнални варақлар экансиз, унинг саҳифаларида замон садосини ҳис этасиз...

Юқорида таъкидлаганимиздек, кундан-кунга очилиб бораётган "Гулистон" журналининг янги сони нашрдан чиқди.

Ушбу сонда бир талай муаллифларнинг салмоқли, сермазмун, кишини чуқур ўйга толдирувчи мақолалари, назму наср ҳамда кишини ҳаяжонга соладиган суратлар ўз ўрнини топган.

Шу жумладан, журналнинг бош саҳифасида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳ-

**САВОЛЛАРГА ЖАВОБ СЎРАЙМИЗ**

**ҚАДДИНГИЗНИ ТИК ТУТИНГ!**

“(Но)халис хулоса ёхуд унинг инсон тақдирига (салбий) ижобий таъсири хусусида” мақоласини ўқиб

Биз, 2002 йил 24 июлда “Маърифат” газетасида чоп қилинган “(Но)халис хулоса, ёхуд унинг инсон тақдирига (салбий) ижобий таъсири хусусида” мақоласини ўқиб, жуда ҳайратландик, ажабландик. Бор кучи, ғайрати, маҳорати, билимини ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга сарфлаётган З.Аҳмедовага шунчалик руҳий-маънавий азоб, машаққат, ташвишлар!!! Бу хилдаги асаббужарликлар ўрнини ҳеч қандай гап ва таскинлар билан қоплаб бўлмайди.

Мақолани ўқиб, саволлар гирдобидида қолдик. Севара қизим, виждон азобида қийналишни нега ўйламадинг?

Нега туман халқ таълими бўлими муdiri З.Аҳмедовани химоя қила олмади? Аксинча, уни жазолади. Нега терговчи бутунлай бошқа томонга оғиб кетган? Унинг жавобгарликка тортилмасдан қолгани, бундай терговчининг ўз устозлари юзини ерга қаратишидан таъсирланмай бўладими?!

Бу воқеа математика дарсида содир бўлган, нега шу ўқитувчи бор ҳақиқатни очиб бермаган?

**Салима ИРИСОВА,  
Равшан ИКРОМОВ,  
Назокат НАСРИДДИНОВА  
Каттакўрғон тумани**

“(Но)халис хулоса, ёхуд унинг инсон тақдирига (салбий) ижобий таъсири хусусида” мақоласини ўқиб, ҳар бир онгли инсон адолатсизликнинг шу қадар аччиқ қисматига дучор бўлган 146-мактаб директор ўринбосари Зурият Аҳмедовага нисбатан хайрихоҳ бўлиб қолади. Ҳозирда бола тарбияси билан шуғулланиш фақат ўқитувчилар гарданига тушиб қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда Аббос, Абдужабборнинг синфдоши Севара Тўлаганованинг шахсиятига тегадиган сўзларни айтиши уларнинг тарбиясизлигидан далолат беради. Севара Тўлаганованинг эса айб-

ни Зурият Аҳмедовага тўнкаши, уни кимларнингдир қистовга олиши натижасида келиб чиққан деб ўйлаймиз. Зурият Аҳмедованинг ўқитувчи-тарбиячига хос равишда ўқувчиларга талабчан бўлиши табиий ҳол, албатта.

Ҳамкасбимиз Зуриятхон! Инсоннинг қилган барча яхшиликларини Оллоҳ ёрлақайди. Бошингизни тик кўтариб, эзгу ишларингизни бундан да юксакларга кўтаришга ҳаракат қилишингизга тилақдошмиз.

**Ойбек ЗУЛУНОВ  
Жалолқудук тумани  
Абдуҳалил САТТОРОВ  
Жиззах тумани**

**Aks-sado**

**ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО СИНМАЙДИ**

Ассалому алайкум, “Маърифат” газетаси ходимлари. Тошкент шаҳар прокуратураси ходимлари — М.Наимов, М.Солиҳов, Ф.Мирзаев ҳамда А.Саётовнинг инсон тақдирига бефарқ қарамай, ўз ишига ҳаққоний ёндашганликлари ҳамда 2002 йил 24 июль кунини газетангизда чоп этилган, яъни менинг тақдирим билан боғлиқ бўлган “(Но)халис хулоса ёхуд унинг инсон тақдирига (салбий) ижобий таъсири хусусида”ги мақола тергов, сўроқ, суд, асабларимнинг қақшаши, оиламиздаги бесаранжомликларга, ноҳақлик гирдобидида қол-

ган ўша аянчли кунларимга нукта қўйди. Менга хайрихоҳ бўлган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимни айнан шу газета орқали изҳор этишни лозим топдим.

Президентимизнинг: “Жамиятимизда Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси — суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими — мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ. Ҳеч шубҳасиз, айнан мана

шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун бел-

**Minnatdorlik**

гилаб олади. ... Садда қилиб айтганда, бу тўғрида кўп гапирадиган, ташвиқот қиладиган, унга бевосита жавобгар бўлган одамларнинг ўзи бу маса-

лага бошқача кўз билан қараса, аввало, ўз манфаатини устун қўйиб, ундан кейингина қонун ижроси ҳақида ўйлайдиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?

... Халқимизнинг “Олдин ўзинга бок, кейин ногора қоқ”, деган мақоли бежиз айтилмаган. Бошқалардан қонун ижросини талаб қилиб, ўзлари эса унга зид иш тутадиган айрим вазифада ўтирган раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларининг хатти-ҳаракатини ана шу мақол мисолида аяққол ифодалаш мум-

кин...”, деган сўзлари нақадар тўғри эканлигига амин бўлдим. Шу билан биргаликда ўз ишининг билимдонлари, ҳақиқат йўлидан адашмайдиган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўз “ҳамкасблари” қилмишларинида фаш этиб, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда жонфидолик қилаётгани ва матбуотнинг оқни-оқ, қорани-қора дея баралла айтаётганлиги менда ҳаётга бўлган ишончимни янада оширди.

**Зурият АХМЕДОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
146-мактаб ўқитувчиси**

Биз жиноятчиликнинг олдини олиш учун жуда кўп тадбирлар ўтказамиз, тинимсиз курашамиз. Аммо жиноятчилик ҳақ деганда чекинмавермайди. Ҳар кун, ҳар соатда кимнидир ўз домига тортади. Биз унинг сабабларини қидирамиз. Илдизини топиб, уни қирқиш учун ойлар, ҳафталар, кунлар ўтказамиз.

**ЖИНОЯТ БЕСАБАБ РЎЙ БЕРМАЙДИ**

Дейлик, гиёҳванд модда истеъмол қилгач, ўзини бошқара олмасдан, нима қилаётганини идрок этмаган ҳолда ўртоғини пичоқлаб қўйган йигит ҳақида, қандай қилиб бу йўлга кириб қолган экан, наҳотки унинг гиёҳванд бўлиб қолганини биров билмаган бўлса, деган саволларни бериб хулоса чиқариш, халис баҳо бериш лозим. У илк бора сигарета тутата бошлаганида ота-онаси ёки ўқитувчилари эътиборсиз бўлган, деган гапни айтиб уни айблаш бирмунча одилроқ бўлади. Ҳолбуки, у ушбу жиноятни содир этгунича эмас, балки гиёҳванд бўлиб қолган пайтгача яхши одам эди-ку. Биз жиноятлар сабабини ва унга элтувчи йўлни энг аввало ахлоқнинг бузилишидан бошланади, деб баҳолаймиз ва буни ўзимизнинг айрим мисолларимиз билан изоҳлашга уриниб кўрамиз.

Ахлоқнинг бузилишидан жиноят келиб чиқар экан, унда ахлоқнинг бузилиши қаердан бошланади?

**КЕЧАСИ КЎЧАДА ЮРГАН КИМНИНГ ҚИЗИ?**

Ҳозирги кунда нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўпга тунги клублар, кўнгилочар барлар, дискотекалар фаолият кўрсатмоқда. Бу жойларга катталардан кўра ёшларнинг кўп ташриф буюриши эса ҳақиқат. Ушбу муас-сасаларнинг айримларида миллий қадриятларимизга зид бўлган ярим яланғоч кийимларда рақслар ташкиллаштирилмоқда. Ваҳоланки, бу ерга келган баъзи ёш йигит-қизларнинг нафақат спиртли ичимликлар истеъмол қилиб ёки сигарета тутатиб ўйинга тушишларини, шу ернинг ўзиде гиёҳванд моддаларни қабул қилиб, бемаза қилиқлар билан ўйинга тушаётгани, столда ҳам бир-бирларини ялаб-юлкашаётгани сир эмас.

Бу масканларда ўтириш, дам олиб ҳордик чиқариш учун чўнтак бакувват бўлиши керак. Наҳотки, фарзандларнинг маданий ва маиший дам олишлари учун пул топиб, уларга шароит яратиб берган ота-оналар дилбандлар қаерда, кимлар билан дам олаётганига қизиқмасалар? Ўн саккиз туғул ўн олтининг остонасини ҳатлаб-ҳатламаган ёш қизчаларни не бало урди. Уйда ўтириб, ўқиш-ўрганиш ўрнига тунги барда нима бор уларга? Аммо, кет деб кўринг-чи...

Ҳа, начора, улар бу жойларнинг мазасини тотиб улгурган. Ўқишлар аллақачон эсдан чиқиб бўлган. Милиция ходимлари ҳайдамаса кетмаётган бу ёшлар бирор бир нопок ишни бошлаб, эртага нафақат ўзига ва оиласига, балки бошқа бировнинг хонадонига ҳам кулфат уруғини сепиши мумкин.

Ахлоқий бузуқлик йўлига кирганлар албатта

кўчада қолишади. Олранг қўйлақларда ял-ял товланиб, ўтиб қайтаётган машиналарни тўхтатиб” мижозлар билан савдолашаётган “бу таннозлар ўзларининг хору зор бўлиб кўчада қолганини англамасдан, булар бизга зор”, дея тўхтаган машинага ҳам тумшукларини тикишади. Во ажаб ким кимга зор?!

Булар билан ўтказилган бир кечани ширин дамлар дея баҳолаган, ўша кечада шод бўлган айрим йигитчаларни орадан бир ҳафта ўтар ўтмас, тушкун кайфиятда тери таношил касалликлари диспансерларида учратасиз. Энди улар аввалгидек шодон эмас.

— Анави ифлос, тозаман деганди.  
— Кайфчиликда нима қилганимни эслай олмайман, бу ёғи расво бўлди. Хотингаям юқтирибман.

**ДЎСТИНГИЗНИ ҚАЙТАРИНГ, ЁШЛАР!**

Қуш тилини қуш билади, деганларидек, ёшлар кўнглига ёшлар қўл сола олади, бунда иллатлар домига илинган тенгдошлари-



ни ёмон йўлдан улар қайтара олишига ишонамиз. Шу боис, талабалар орасида гиёҳвандликка қарши турли тадбирлар ўтказилмоқда. Улар иллатларнинг ёмон оқибатларга олиб келишини тушунса, бундай иллатлардан ўз дўстларини ҳам сақлайди.

Сир эмаски, жиноятларнинг аксарияти маънавий қашшоқ, ахлоқий бузуқ шахслар томонидан содир этилади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки палладанок, 1992 йилнинг бошидан Ички ишлар вазирлиги тизимида “Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” хизмати фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аммо, шуни афсус билан айтиш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган иллатлар таъсирига тушиб қолаётган, уларни ўзининг кундалик турмуш тарзига айлантираётган ёки доромад манбаи сифатида касб қилиб оладиган фуқароларимиз сони қайинмаяпти. Улар ўтиш давридаги турмуш кийинчиликларини рўқач қилиб, фоҳишабозликдек жирканч иллатни ўзларига касб қилиб олишаётгани кишини ташвишга солади. Бунданда ачинарлиси эса улар касри-қасофати туфайли ушбу иллат таъсирига ёшлар ҳам тушиб қолиб, ўз умрини, келажагини барбод қилмоқда.

**“ЧЕТ ЭЛДА ЗЎР ПУЛ ТОПАСИЗЛАР...”**

Сўнги йилларда чет эл мамлакатларида бўлиш (виза) қоидаларини бузиб, айниқса, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия, Таиланд, Исроил ва бошқа чет эл давлатларига сайёҳ сифатида чиқиб, у ерда қўшмачилик ва фоҳишалар билан шуғулланаётган шахслар ҳақида хабарлар, маълумотлар бор. Чет элларга чиқиб фоҳишалар билан шуғулланаётганларнинг асосий қисмини Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаролар ташкил этмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида белгиланган қонун доирасида жазоландилар. Яъни айбдорларнинг айримлари беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

— Мени бир танишим чет элда зўр пул топасизлар деб дугонам иккимизни алдаб олиб кетди, — дейди Н. исмли қиз. — Борганимиздан сўнг бизларни олиб борган гуруҳ

раҳбари ҳужжатларимизни олиб қўйди ва кетиб қолди. Кўчани айланишга чиққан эдик, полиция тутиб олиб “сенлар фоҳишасан” дея зиндонга қамаб қўйди. Орадан бир-икки кун ўтиб ҳалиги раҳбаримиз бизни чиқариб олди. Бирок “Мен сенларни бу ердан чиқариш учун кўп пул тўладим, энди қарзларингни тўлай-сизлар”, деб бизни бир ой бегона эркакларга қўшиб қўйди. Кўп пул топамиз деб, бор пулимиздан айрилдик. Устига-устак касаллик юктириб олган эканмиз, ундан айриллолмаямиз.

Хуллас, Н. сингари аддов йўли билан олиб чиқиб кетилаётган ёшлар оз бўлса-да, учраб турибди. Кўп йиллар ички ишлар идораларига раҳбарлик қилган Муҳаммади ака Раҳимов шундай деганди: “Бир кунги навбатчилик қисмига тўйди жанжал бўлаётгани ҳақида ходимларимиз хабар қилиб қолишди. Тезда етиб борсак, уч нафар йигит бир-бири билан пичоқлашибди. Тезда уларнинг икки нафарини касалхонага, биттасини бўлимга олиб келдик. Ҳалиги йигитдан “нега уларни пичоқладинг” деб сўрасак, “улар менинг опамни суюқоёқ деб ҳақоратлади”, дейди. Опасини суриштирсак, у Тошкентда ўқир экан. Ҳалиги жароҳат олган йигитнинг бири кайфчиликда “Сенинг опанг “шунча”, деган экан. Йигитнинг орияти тутиб, аввал унга пичоқ билан ташланибди. Сўнг жароҳат олган иккинчи йигит “буни пичоқлагунча опангни пичоқла, ўшанақалигини мен ҳам

**Ma'rifatsiz kishilar**

биламан”, деб ўртоғининг ёнини олгани учун унинг ҳам оёғига пичоқ санчиб олибди. Кейин суриштирсак, ҳақиқатан ҳалиги боланинг опаси ички ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турар экан. Начора, ўшанинг касри-қасофати туфайли укаси судландиган бўлди.

Ҳа, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Орномусини йўқотган опасининг шаъни учун ўзини бадном қилган йигитчага ачинасан, холос”.

**АЖАЛ ТЎРИ**

Кўчадан топилган “жононлар” билан бирга ҳужраларга кирганларни бу ерда гиёҳванд моддалар қарши олади.

Энди бу иллатларнинг барчаси бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ эканлигига сал бўлсада ишонгандирсиз. Бу иллатлар орасида гиёҳвандлик шуниси билан жуда хавфли ҳисобланадики, унга илакишганлар учун ортага йўл йўқ. Кун сайин улар учун яшаш маъносиз ва мазасиз бўлиб бораверади.

Ажал тўрига тушган гиёҳванд учун ягона йўл қолади. У ҳам бўлса, бир кун бўлсин тирик яшаш. Чунки у бор-будидан, обрў иззатию молу дунёсидан айрилди. Энди у пул топиш учун фоҳишабозлик билан шуғулланадими, қўшмачилик қиладими, барибир. Хумори тутганда онасининг юзига шапалоқни, отасининг бўйнига пичоқни тортиб юбориши ҳеч гап эмас.

Фаргона шаҳрида яшаган, ҳозирда Қашқадарёда жазо муддатини ўтаётган Абдурашид исмли йигит билан гаплашганимизда, “мен гиёҳванд моддасини истеъмол қилиб онамни ўлдириб қўйган одамман, отамни жароҳатлаганман. Лекин, менинг бу қўйга тушимга, отам айбдор. Тўғриси, отамнинг топиш-тутиши зўр. Шунинг учун у мени даволатиш ўрнига, аксинча доридан топиб бериб турди. Бир кунги топилмай қолган, онамга ва отамга оғир жароҳат етказиб қўйибман. Билмай қилдим, билганимда...”. У дувдуд кўз ёш тўқади...

Мамлакатимизда бу йил игна орқали гиёҳванд моддаларини қабул қилувчи шахслар сони ўтган йилгига нисбатан бироз камайган бўлса-да, лекин уларнинг бутунлай баркам топмагани бу борадаги хавфни сақлаб турибди. Негаки, бу турдаги гиёҳвандларнинг 80 фоизини 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этмоқда.

Шу боис, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан биргаликда жойларда, олий ўқув юртларида “Оғусиз дунё - ёшларга зиё” мавзусида профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда.

**Шухрат РЎЗИЕВ,  
Республика ИИВ  
Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш  
Бош бошқармаси муҳим топшириқлар  
бўйича катта инспектори,  
милиция майори**

Орзулари мақсадга, ҳаётининг мазмунига айланган инсон, албатта, бахт-иқболга етишиши мўқаррар. Зеро, эзгуликка интиланган киши келажакка қадам қўяди. Донохон Холмухамедова бугунги бахтли кунларига назар солса, беихтиёр болаликдаги ойдин орзулари, уларга етишиш йўлидаги кечган машаққатлари ёдга тушади.

Дарҳақиқат, Д.Холмухамедованинг болалик — подшолик даври урушнинг дахшатли ва урушдан сўнгги азоб-қубатли йилларга тўғри келди.

— Уруш — инсониятни таназзулга етаклаган чоҳ, — дея хотирлайди муаллима. — У қанчадан-қанча инсонларнинг қалбида ўзининг оламли муҳрини қолдирмади, дейсиз. Ёдимда, ўша мудҳиш йилларда ҳамма фронтга кетганлиги боис мактабда ўқувчи ўғил-қизлардан бошқа ҳеч ким қолмаган эди. Шу боис мактабни ёпиб қўймаслик, ўқувчиларнинг билим олишларини таъминлаш мақсадида мактабимиздаги юқори синфда ўқиётган бир неча аълочи ўқувчиларнинг бошланғич синфларга дарс беришларига тўғри келган. Ана шу, таъбир жоиз бўлса, ўқувчи-ўқитувчиларнинг орасида менинг ҳам борлигим ўз устимда янада қаттиқроқ ишлашга, ўзим сабоқ бераётган ўқувчиларнинг ишончини оқлашга ундаган. Зеро, инсон, айниқса, болалар ишончини ўғирлаш энг оғир гуноҳ эканлигини дастлаб ўша вақтлардан бошлаб англаган бўлсам, ажаб

эмас. Ана шу истак, интилишлар эса бора-бора ўқитувчилик касбини севишимга, келгусида ана шу эъзозли касбни танлашимга тўртки бўлди.

Ўқитувчилик — машаққатли, аммо шарафли касб. Бу касбнинг этагидан тулган инсоннинг қалби меҳрга лиммо-лим бўлмоғи лозим. Бинобарин, у ўқувчига таълим-тарбия бериш билан бирга унга қалб кўри, меҳрини ҳам улашади. Қалби қайноқ ёш ўқитувчи эса маз-



чининг эл эъзозига муяссар топилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Албатта, Д.Холмухамедова ана шу ютуқлар билан чегараланиб қолгани йўқ. У ўқувчиларининг ҳаммаша шиддатли замон билан ҳамнафас бўлишлари учун уларни доимо янгилликлардан хабардор қилишга, мукамал билим эгаллашга ундади. Бунда эса, энг аввало, ўзи уларга ўрнак бўлди. Бу, ўқитувчининг меҳнатлари

нинг ҳурмат-этиборига сазовор этади ёки аксинча, залолатга етаклайди. Ўқитувчилик касбини танлаганидан фахрланаман. Чунки ўқитувчи — миллат тарбиячиси, у юрт тараққиётининг пойдеворини мустаҳкамловчи, келажакни бунёд этувчи хокисор зот.

Дарвоқе, ёшлар — келажак тимсоли. Уларнинг камолида Ватан эртаси бўй кўрсатади. Юрт истиқболининг порлоқ бўлиши учун жону фидо инсон эса эл қахрамони. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан билдирилган ҳурмат, амалга ошираётган эзгуликларига миннатдорчилик рамзи, берилган ҳаққоний баҳо сифатида муаллима 1994 йилда “Шуҳрат медали”, 1997 йилда “Халқ таълими фидойиси”, 1999 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонлари билан тақдирланди.

Ўз зиммасидаги масъулият юкиннинг залворини ҳис этган фидойи ўқитувчи ўз бахтини ёшлар камоли, эл-юртнинг фаровон ҳаётида деб билади. Шу боис, мана 60 йилки ўз умрини ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг баркамол вояга етиши йўлига бағишлаб келмоқда. Бугунги кунда ҳам фидойи ўқитувчи 75 ёшни қаршилаётган бўлса-да, ўзининг болаликдаги орзуларини ўқувчиларнинг шодон нигоҳларида кўриб, уларнинг эзгу ниятлари ушалишига камарбаста бўлмоқдалар.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

## КЕЛАЖАККА БАХШИДА УМР

Ta'lim fidoiylari

кур касбнинг қийинчиликларини ўша пайтдаёқ ҳис этган эди. Зотан, ҳали 6-синф ўқувчиси бўла туриб, 1942 йилда ўзининг дастлабки ўқувчилари бўлган 2-синф ўқувчиларига хат-савод ўргатиш билан бирга жажжи қалбларнинг меҳрини қозона олиш, учраган қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтиш осон кечмади. Албатта, бунда ўзининг ўқитувчиларидан олган билими ва касбга қўйган меҳри муҳим аҳамият касб этди. Ўша вақтларда Д.Холмухамедова биринчи сменада ўқиш бошлангач, ўқувчи бўлиб партада дарс тингласа, тушликдан сўнг бошла-

нғич синф ўқувчиларига ўзи сабоқ берди. Кечқурунлари эса танланган касбини мукамал эгаллаш, болалар қалбига йўл топиш учун бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш курсида машғулларда қатнашди. Тинимсиз ўқиб, изланди.

Бугунги кунда ўқитувчи мана шу касбнинг сир-синаотларини ўргатган устозларини миннатдорчилик билан эслади. Зеро, улардан олган ўғитлари боис ёш ўқитувчининг ўқувчилари фанларни ўзлаштириш бўйича самарадорлик кўрсаткичини 98 фоизга етказди. Бу муваффақият эса ўқитув-

самараси ўлароқ, Низомий номидаги педагогика олий ўқув юртининг кимё-биология факультетини ҳам муваффақиятли тамомлаб соҳанинг етуқ мутахассиси бўлишида ҳам кўринади. Ўз навбатида қўлга киритилган ушбу ютуқ ўқитувчига дастлаб ўзи қабул қилиб олган бошланғич синф ўқувчиларига юқори синфга ўтгач ҳам сабоқ бериб бориш имкониятини берди.

— Инсон, энг аввало, касб танлашда адашмаслиги лозим, — дейди ўқитувчи. — Зеро, танланган касб келажак йўлингни, ҳаётинг мазмунини белгилайди. Эл-юрт-

## ИЖОДКОР МУАЛЛИМ

Баркамол авлод — эл орзуси. Зеро, фарзандлари комил юртнинг келажакга буюк бўлади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўқитувчи зиммасидаги масъулият улкан. Бинобарин, ана шу эл-юрт орзуси ўқитувчининг заҳматли меҳнати асносида юзага чиқади. Шу боис бўлса керак, ўқитувчи, устоз номига элда ўзгача ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.

Ф.Пардабоевнинг ўқитувчилик касбини танлашида ҳам устозларига қўйилган болаликдаги ҳавас ҳамда, эл-юрт орзусини рўёбга чиқариш мақсади муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бўлажак ўқитувчи ана шу истак-муддао билан ўқиб-изланишлари боис урта мактабни аъло баҳоларда якунлагач, республика рус тили ва адабиёти институтида ўқишни давом эттирди. 1971 йилда эса олий ўқув юртини тугатиб, ўша кезларда янги очилган Зомин туманидаги 54-мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Тиришқоқлиги, талабчанлиги, ўз фани ва касбини севганлиги сабаб ёш ўқитувчи туман ўқитувчилари орасида тезда танилди.

Ф.Пардабоев ўзининг ижодий ишлари билан қатор йиллардан бери туман ва вилоятда ўтказилган педагогик ўқишларда фахрли ўринни эгалламоқда. Айниқса, ўқитувчининг “Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар” мавзусидаги ижодий иш тажрибаси аввал туман, сўнг вилоят миқёсида оммалаштирилди. 1987 йили ўқитувчию ўқувчилар орасида ўзига хос обрў-эътибор қозонган ўқитувчи мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифа-

сига ўтганидан сўнг асосий эътиборни “Мактаб бошқарувида ички назорат”га қаратди. Ва ижодий ишини шу мавзуга йўналтирди. 1993 йилдан эса унинг “Мактабда ички назоратни амалга ошириш усуллари” мавзусидаги ижодий иш тажрибаси нашриётда китобча шаклида босмадан чиқарилиб, туман миқёсида оммалаштирилди. 1998-2001 йиллар давомида бу йўлдаги изланишлари самараси ўлароқ, ўқитувчининг “Мактаб бошқарувида ички назорат” мавзусидаги ижодий иши қайтадан Давлат таълим стандартларига мос тарзда ишлаб чиқилди. Ва туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда синов ва таҳлидан ўтказилган тажриба мактаб директорлари ва илмий бўлим мудирилари семинарларида атрофлича ўрганилиб, туман бўйича оммалаштирилишга лойиқ топилди. Бундан ташқари, Ф.Пардабоевнинг “ички назорат” мавзуси бўйича ёзилган методик қўлланмаси вилоятда ягона бўлиб, ёш мактаб раҳбарларига услубий ёрдам бермоқда.

Ўқитувчи, бир сўз билан айтганда, ҳаётини халқ таълимига, ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган фидойи педагоглардан. Унинг асосий мақсади, халқимиз фарзандларига замон талаблари даражасига мос таълим-тарбия беришдир.

Олий тоифадаги “Методист ўқитувчи”, “Халқ таълими аълочиси”, вилоят халқ таълими бошқармасининг “Матрифат машғали” кўкрак нишони соҳиби Ф.Пардабоев бугунги кунда ҳам фарзандларимизнинг баркамол вояга етиши йўлида тинимсиз изланишда.

М.ЙЎЛДОШЕВ

Инсонда бирор касбга нисбатан муҳаббат қанча эрта уйғонса, унинг самараси ҳам шунча эрта бўй кўрсатади. Зеро, муваффақиятлар изланишлар натижасидир. Оддий ўқитувчи Тиллахўжа Аҳмедовнинг меҳнат фаолиятига назар ташлар экансиз, бу фикрга амин бўласиз.

—Ўқитувчи машаққатли касб эгаси. У юрт тарбиячиси. Шу боис ҳам унинг зиммасидаги масъулият юки оғир, — дейди биз би-



этирди. Шу йилларда мактаб ўқитувчию ўқувчиларнинг фаоллиги ошди. Илм даргоҳи тумандаги энг намунали мактаблар қаторига қўшилди. Ўқитувчининг ўқувчиларни мукамал билим эгаллашлари йўлида амалга оширган турли ташаббуслари, шижоатини кўрган туман халқ таълими бўлими Т.Аҳмедовни 1986 йилда мактаблар инспектори лавозимига ишга таклиф этишди. Албатта, ўқитувчи-

## ЭЪЗОЗЛИ КАСБ СОҲИБИ

лан суҳбатда ўқитувчи. — Ана шу залворни кўтариш, ўқувчилари ҳурматида, эл назарига тушиш, албатта, осон эмас.

Дарҳақиқат, ҳар бир касбнинг ўз машаққати бор. Бироқ ана шу машаққатларни енгиш учун кишида мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва бардош керак бўлади. Шу фазилятларни ўз қалбига жо айлаган меҳрибон муаллим Т.Аҳмедов 1958 йилда Зангиота қишлоғидаги У.Мусаев номли 33-мактабнинг 1-синфига борганидаёқ ундаги фанни ўрганишга бўлган интилиш боис тезда ўқитувчилари назари-га тушди. Устозларининг меҳрини, уларнинг ишончини қозонган ўқувчи мактабни аъло баҳоларга якунлагач, ўқитувчиларидан беғубор қалбига кўчган меҳр боис, ушбу касб этагидан тутди. Бу йўлда тинимсиз изланди, ўрганди. Ўқиб-ўрганишлари боис 1972

йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика факультетини имтиёзли диплом билан якунлади. Ва шу йилнинг ўзидаёқ тумандаги 33-мактабда физика ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлади. Дастлабки йилларда ёш ўқитувчи имкон қадар ўқувчиларни фаннинг сирли хилқатлари томон олиб киришга интилди. Зеро, ўқувчини фанга қизиқтириш оддий сўзлар билан амалга ошмаслигини у ўқувчилик йиллардаёқ англаб етганди. Бу изланишлар эса бесамар кетмади. Кўп ўтмай ўқувчилар ўқитувчининг дарсини интиқ кутадиغان бўлди.

1977-79 йиллар мобайнида изланувчан ўқитувчи ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бериш билан бирга мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб иш фаолиятини муваффақиятли давом

нинг ўз тажрибаси билан туман маорифчиларига берган амалий ёрдами кўпгаб ўқувчиларнинг фан сир-синаотларини мукамал эгаллашларига тўртки бўлди. 1990-1999 йиллар мобайнида эса ўқитувчининг меҳнатида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳам муносиб баҳо берилди. У киши ана шу йилларда бошқарма бошлиғи муовини бўлиб вилоят таълим тизимидаги ислохотларни ривожлантириш учун кўпгаб чора-тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Бугунги кунда халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Т.Аҳмедов дастлаб меҳнат фаолиятини бошланган 33-мактабнинг директорли лавозимини ҳам фарзандларимизнинг ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб камол топишлари учун ҳамон изланишда.

А.КАРИМОВ

## ИТАЛИЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

Италиянинг марказий ва жанубий вилоятларида юз берган ер силкиниси боис камидан 22 киши ҳалок бўлиб, уларнинг 18 нафарини 7-8 ёшли болалар ташкил этади. Рихтер шкаласи бўйича 5,4 баллга етган бу табиий офат туфайли Сан-Жулиано аҳоли пунктидаги болалар боғчаси батамом харобага айланган. Тахминларга кўра вайроналар остида 10 га яқин кишиларнинг жасадлари бўлиши керак. Фожеа юз берган жойга мамлакат бош вазири Сильвио Берлускони ташриф буюрган.



## БАСАЕВ ЖАВОБГАРЛИКНИ ЗИММАСИГА ОЛДИ

“Кавказ-центр” сайтининг хабар беришича, ўз-ўзини республика деб эълон қилган Ичкериянинг ҳарбий кўмитаси раиси Шамил Басаев Москвадаги гаровга олиш воқеаларининг жавобгарлигини ўз зиммасига олган. “Гарчи биз бош мақсадимиз бўлмиш урушни тўхтатиш ва чечен халқига нисбатан қўлланилаётган геноцид жиноятига чек қўйишга эриша олмасак-да, бошқа мақсадларимизга етишдик. Келгуси гал келганимизда эса ҳеч ким гаровга олинмайди, аксинча ўз муҳолифатчиларимизга хуруж солинади холос”, дея айтган Басаев.

Москвада бўлиб ўтган матбуот анжуманида эса, Россия ҳукумати Норд-Ост воқеаларининг бош айбодори деб Ичкерия президенти Аслан Масхадовни эълон қилган.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТОПТАЛМОҚДА

Инсон ҳуқуқлари билан шугулланувчи “Ҳюман райтс вотч” ташкилоти фаластинлик камикадзелар томонидан амалга оширилаётган актларни инсон-



ятга қарши жиноят, дея баҳолаган. Нью-Йорк шаҳрида жойлашган мазкур ташкилот тайёрлаган маърузада сўнгги 2 йил ичида Исроил фуқароларининг ўлимига сабабчи бўлган камикадзелар кескин танқид остига олинган ва уларга раҳбарлик қилаётган “Ислом жиҳоди” ва ХАМАС ташкилотларига нисбатан жиноий иш кўзгатилиши талаб этилган. Шунингдек, ташкилот Фаластин раҳбариятини бу борада кескин чора кўрмасликда танқид қилган.

“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.

Таваккалга асосланган, баъзи мутахассислар “билиб туриб ўз жонига қасд қилиш” деб ҳисоблаётган тажриба ўтказилишига ҳам санокли кунлар қолди. Француз армиясининг собиқ десантчиси, 58 яшар Мишель Фурнье 40 километр баландликдаги ҳаво шаридан сакрамоқчи. Ерга эркин учиб тушишда у товуш тезлигидан ҳам ошмоқчи ва бу билан бирйўла тўртта жаҳон рекордини ўрнатишни мўжжаллапти.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун у уйини, қуроллар ва маркалар коллекциясини, ҳарбий орденларини сотди.

Фурнье самолёт ва вертолётлардан 8300 марта ерга сакраган. Унинг 12000 метр баландликдан парашютда сакрагани Франциянинг миллий рекорди ҳисобланади. Десантчи эндиги режасини амалга ошириш илгариги натижалари ҳозиргисининг соясида қолиб кетади.

Фурнье махсус ҳаво шари тайёрлашга буюртма берган, гелий билан тўлдирилган ушбу шарга телефон кабинаси шаклидаги гондола-капсула (кажава) ўрнатилади. У билан Мишель йўловчи самолётлар баландлигидан тўрт баравар юқорироққа кўтарилади.

Ўзи учун махсус тайёрланган оғир скафандрни кийиб олган Фурнье Ердан берилган кўрсатма бўйича гондолани тарк этади ва стратосферага — деярли ҳавосиз бўшлиққа тушиб қолади. Дастлабки беш километр парашютчи тахминан 30 лаҳзада босиб ўтади. Шундан кейин тарихий воқеа содир бўлади: у одамлар орасида биринчи бўлиб товуш тўсиғини енгиб ўтади ва қулаш тезлигини соатига 1500 километргача етказиши, бу зич атмосфера қулаш тезлигини товуш тезлиги қадар камайтиргунча давом этади. Сакраш бошланганидан тахминан 6 дақиқа ўтгач, 60 градус совуқда, агар ҳалиям тирик бўлса, у парашютни очади.

Фурньенинг скафандрига ўрнатилган камералар нимани суратга олади — жаҳон рекординими ёки яхши тайёрланган ўз жонига суиқасдними, ҳали номаълум. Тажрибали парашютчи тайёргарлик босқичидаёқ осмонга кўтарилиш ва сакраш жараёнида юз бериши мумкин бўлган барча вазиятларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. У ҳушини йўқотган тақдирда ҳам Ердаги шериклари шарни бошқаришни ўз қўлига олишлари ва уни оҳиста кўндиришлари мумкин.

## ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ РЕКОРДЛАР

38 йилдан бери ҳеч ким бундай сакрашга журъат этмаган эди. Журъат қилганларнинг охиригиси Николас Пиантанида бўлиб, 1966 йили ҳаво шарида кўтарилаётган ҳалок бўлган. 17500 метр баландликда унинг қон босими кескин ўзгарган. Ердаги шериклари унинг қичқирганини эшитишган. Кейин Пиантанида ҳушидан айрилган ва шу билан ҳаммаси тамом.

Бундай рекордлар нима учун керак? Гиннеснинг китобига ёзилиш учунми? Йўқ, фақат шунинг учунгина эмас. Бундай сакрашлар орқали одамлар нега ҳаётини хатарга қўйишларини тушунтиришда, менимча, 1962 йили собиқ СССРда юз берган ҳодиса ҳақидаги ҳикоя ёрдам беради. Қирқ йил муқаддам собиқ иттифокда мисли кўрилмаган тажриба — одамнинг стратосферадан парашютда сакраши амалга оширилган эди. Бу ҳодиса ҳақида, гарчи у совет олимлари ва инженерлари фаолиятининг мутлақо ёпиқ — космик техника во-

ситалари синови соҳасига тегишли бўлса ҳам, мамлакатдаги деярли барча газеталарда ёзишган. Бироқ шу билан бирга, орадан неча ўн йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам мазкур сакраш тафсилотлари ҳаммага ҳам маълум эмас.

Тажрибадан кўзланган асосий мақсад учин аппаратларининг авария системаларини синовдан ўтказиш эди. Бунинг учун баландлиги 100 метр бўлган улкан стратостат қуришган. Синовлар ўтказилаётган жойдан (Волгабўйи даштлари) келиб чиқиб аппаратни “Волга” деб номлашди.

Стратосферадан сакрашга космик парвоздаги сингари иккита экипаж тайёрланган. Асосий таркибга машҳур парашютчилар — майор Евгений Андреев ва полковник Пётр Долговлар киришган. Долгов қирқинчи йиллар охиридан парашют системалари синовчиси бўлган. Десантчи офицер сифатида урушда қатнашиб, кўплаб жанговор орден ва медаллар билан тақдирланган. “Волга”да учиб олдида у парашютда минглаб марта сакраб, саккизта жаҳон рекордини ўрнатган эди. Шу билан бирга Долгов учувчиларни қутқариш системаларининг конструктори сифатида ҳам шухрат қозонган эди. Бу сафар ҳам у ана

## Imkon cho'qqilari

муваффақиятли равишда кўндирилган. Асосий тажриба эса ҳалокатли бўлган...

“Волга” стратостати 1962 йил 1 ноябрь кунин Москва вақти билан эрталаб соат 7 дан 44 дақиқа ўтганда Вольск шаҳри яқинидаги ҳарбий аэродромдан ҳавога кўтарилади. 2 соату 20 дақиқа ўтгач у белгиланган энг юқори нуқтага — 24458 метр баландликка кўтарилади ва Ердан “Ишга киришинлар” деган буйруқ берилади.

Стратостат кабинасини биринчи бўлиб Евгений Андреев катапульта воситасида тарк этади. Йигирма тўрт километрни у эркин тарзда учиб тушиб, ерга 900 метр қолгандагина парашютни ёзади. Ҳаммаси муваффақиятли ўтиб, ерга тушиш 6 дақиқадан сал кўпроқ вақтни олади. Ҳазил гап эмас, парашютчи ерга 900 км/соат тезлик билан кулаган. Таққослаш учун шунини айтиш керакки, реактив самолётлар ҳам ўртача 900 км/соат тезлик билан учади.

Иккинчи бўлиб ҳозир кенг қўлланилаётган “СИЗМ” скафандрини кийиб олган Пётр Долгов сакрайди. Унинг вазифасига белгиланган баландликда инсоннинг ара-

лар “космосга парвоз вақтида ҳалок бўлган космонавтлар” орасида Пётр Долговнинг фамилиясини ҳам учратган бўлишлари табиий. Ҳатто фалокатнинг аниқ санаси ҳам кўрсатилган — 1960 йилнинг октябрь ойи. Бироқ, қанчалик орзу қилган бўлмасин Пётр Иванович Долгов ҳеч қачон космонавт бўлган эмас. Ва у космосда эмас, унинг чегарасида, мафкуравий “сир сақловчилар” кўрсатган санадан икки йил кейин ҳалок бўлган.

Е. Андреев ва П. Долговлардан кейин 30 йил мобайнида ҳеч ким бу қадар баландга кўтарилмаган ва ҳеч ким бу қадар баландликдан парашютда сакрашга жазм этмаган. Фақат кейинги пайтлардагина шундай сакрашларга АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Испанияда тайёргарлик кўрилатгани тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. Шундай қилиб, 14 минг марта парашютдан сакраган америкалик 47 яшар учувчи аёл Шерил Стернс 2003 йилнинг кузида ака-ука Райтлар парвозига 100 йил тўлиши муносабати билан Канзас устида 40 километр баландликдан сакрамоқчи. Стернс билан ҳамкорлик қилаётган НАСА ушбу тажриба орқали фавқулодда вазиятларда космик кема ёки тадқиқот станциясидан сакраган космонавтларга асқотиши мумкин бўлган маълумотларга эга бўлмоқчи. Шу билан бирга учиб тушаётган товуш тезлигини ортада қолдирган инсонда қандай ўзгаришлар бўлиши ҳақидаги саволларга ҳам ойдинлик киритилади.

Келгуси йили испаниялик Мигель Энгель Гарсия 38 000 метр баландликдан сакрамоқчи. Австралиялик 38 яшар Родд Милнер эса Австралия учун рекорд ҳисобланувчи баландликдан сакрамоқчи. У борйўғи 400 марта парашютда сакраган бўлса ҳам ниятидан қайтмоқчи эмас. Чунки таваккалчилик уни чўчитолмайди: кунг-фу бўйича Австралия чемпиони спортдаги фаолиятини тугатгач, армиядаги бообруқ қисмга хизматга кириб, бугунгача ёш аскарларни мина ва бошқа портловчи қурилмалар билан ишлашга ўргатиб келмоқда.

## ЖАСУРЛАР ПАРАШЮТЛАРИНИ ТАХЛАШМОҚДА

Француз парашютчиси Мишель Фурньенинг режалари тўғрисидаги ахборотдан сўнг россиялик собиқ синовчи-космонавт (уни “Бўрон” космик кемасида учига тайёрлашган) Муҳаммад Толбоев 40,5 км баландликдан сакрашга тайёрланаётгани тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. Бунинг учун 3 млн. долларлик махсус аэро-стат ясалади. Айтишларича, лойиҳани ОРТ телеканални молиявий таъминлайди.

Ҳозирча Гиннеснинг рекордлар китобида энг юқори натижа сифатида америкалик полковник Жозеф Киттинжер эришган кўрсаткичлар қайд этилган. “Волга” стратостатининг парвозидан икки йил олдин, яъни 1960 йилнинг 16 августидан у 31354 метр баландликдан парашютда сакраган. Эркин учиб тушар экан, у 4 дақиқаю 38 лаҳза мобайнида 26017 метр масофани босиб ўтган, муайян ораликда унинг тезлиги 1148 км/соатга етган. Бунда у ўзини қандай тутган, ҳаёлидан нелар кечган, тасаввур қилиш ҳам қийин.

Хорих матбуоти асосида  
Шерали НИШОНОВ тайёрлади.

# СТРАТОСФЕРАДАН САКРАШ

ЁХУД

ИНСОН ТОВУШ ТЕЗЛИГИДАН  
ИЛДАМРОҚ ҲАРАКАТЛАНА ОЛАДИМИ?

шундай системалардан бирини синовдан ўтказиши лозим эди.

Евгений Андреев ҳам машҳур мутахассислик бобида ундан қолишмаган. У, яъни, афсонавий парашютчи Василий Романюкнинг шогирди, 1954 йили катапульта воситасида сакраганида сонидан оғир жароҳат олади. Врачлар унинг оёғини кесиб ташламоқчи бўлишди. Бироқ Андреев буни рад этиб, тузалди, кейинчалик эса аввалги ишига қайтди — жаҳон амалиётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

Заҳирадаги экипаж Василий Лазарев ва Иван Камиевдан иборат эди. Хар иккаласи парашютчиликдан ташқари тиббий маълумотга ҳам эга бўлишган. Кейинчалик В. Лазарев “Союз-12” кемасида космосга парвоз қилган.

Дублёрлар вазифасига тажрибага бево-сита тайёргарлик кўришдан ташқари “Волга” стратостатида синов тарихида ило-жи борича энг юқорига кўтарилиш ҳам кирар эди. Ва улар буни амалга оширишган. Афсуски, Лазарев билан Камиев қачон ва қанча баландликка чиқишган, бугун аниқ сана ва рақамларни аниқлашнинг иложи йўқ. Аниқроғи шуки, бу тажрибанинг асосий босқичи бошланишидан бир-бир ярим ой олдин бўлиб ўтган. Синовчилар кейинчалик Андреев ва Долгов қандай скафандрда бўлишган, уларда қандай қутқариш воситалари бор бўлса, буларда ҳам бор бўлган, аммо ундан жуда зарур пайтда — ҳалокат юз бергандагина фойдаланишга рухсат берилар эди. Уларнинг бахтига бунга зарурат бўлмай, стратостат ерга

лашувисиз автоматик равишда очиладиган парашют системасини синовдан ўтказиш ҳам кирар эди. Конструкторларнинг фикрича, улар орасида Долговнинг ўзи ҳам бор эди, бундай система фавқулодда ҳолатларда, масалан, учувчи ёки космонавт тўсатдан ҳушини йўқотганда ҳам уларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин эди. Долгов “Волга” кабинасини ўзи, катапултасиз тарк этади. Мана шу ерда фо-жиа юз берадики, орадан бир соат ўтгач ердагилар бундан хабар топишади. Андреев катапультада сакраганидан сўнг стратостат гондоласи тебраниб турган ва Долгов шлёми билан унинг қопламасига урилган. Шлём ойнаси зарбага дош беролмай озгина дарз кетади. Бироқ скафандрдаги ҳавонинг бир зумда ташқарига учиб чиқиши ва қон қайнаб кетиши учун мана шу кичкинагина ёриқ ҳам кифоя эди...

Синовчи ҳалок бўлади. Усуналар эса қандай ишлаши керак бўлса, шундай иш-лашда давом этади. Жуда катта баландликда ёзилган гумбаз парашютчининг жасадини ерга оҳиста олиб тушади. Кузатиб турганларнинг ҳеч бири Долгов аллақачон ҳалок бўлганлигини билмас эди.

38 дақиқа ўтгач, жасад ерга “кўнади”. Ҳодиса жойига зудлик билан етиб келган кидирувчилар парашютчини жонсиз ҳолда кўришади.

Кўрсатган жасорати учун Пётр Долгов (ўлимидан сўнг) ҳамда Евгений Андреевга Қахрамонлик унвони берилади.

Космосни ўзлаштириш тарихи ва Гагарингача амалга оширилган парвозларга доир гап-сўз ва миш-мишларга қизиққан-

Душанба, 4

«Ўзбекистон» телеканал  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.45 «Тахлилнома»  
8.45, 17.55 ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектеlevision» намойи-  
ши: «Шахрисабз». Премьера.  
9.00 «Камалак». Болалар учун  
кинодастур.  
9.40 «Туртинчи ҳокимият».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Мовий тоғлар ёки  
ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадий  
фильм.  
11.35 Ўзбекистон телерадио-  
компанияси камер оркестри-  
нинг концерти.  
12.05 «Бу ажиб фасл».  
12.25 1. «Санаъатчилар».  
2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
13.55, 17.05 ТВ анонс.  
14.10 «Олтин дала». Пахтакорлар  
учун дам олиш дастури.  
14.50 Кундузги сеанс: «Бу  
шунақа ўйин». Бадий фильм.  
16.20 «Тиббиёт одимлари».  
16.35 ТВ клип.  
16.45 «Қалб гавҳари».  
17.10 Эстрада тароналари.  
17.35 «Хунарманд».  
18.10 «Мушукча ва йўл ҳаракати  
қридаси». Мультфильм.  
18.25 «Мулк».  
18.45 «Бахтли воқеа».  
19.15 Бир жуфт кўшиқ.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Ватан мадҳи». Шеър  
композиция.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артист-  
лари. Н. Ҳайдаров.  
21.30 «Ўзбекистон» каналида илк  
маротаба: «Ошин». Телесериал  
премьераси.  
22.00 2002 йил - Қарияларни  
қадрлаш йили. «Париси бор  
уй».  
22.20 «Спорт, спорт, спорт».  
22.50 «Ахборот-дайжест».  
23.10-23.15 Ватан тинчликчилари.  
9.45 «Покахонтас». Мультсериал  
16-қисм.  
10.10 Кинотакдим.  
10.30 Мусиқий лаҳзалар.  
10.50 «Эсмералда». Телесериал.  
11.20 Бизнес-академия.  
11.35 Ёшлар овози.  
11.55 Саломатлик сирлари.  
12.15 «Жан Кристоф». 6-қисм.  
13.05 Мутолаа.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Кўҳна оҳанглар.  
15.15 Фазал соғини.  
15.35 Болалар экран: «Кувнок  
сеҳрарлиқ».  
16.40 Мунозара.  
17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ  
кабутар, Олтин қалит.  
17.35 «Покахонтас» Мультсериал.  
17-қисм.  
18.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.20 Автопатруль.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Давр-интервью.  
20.05 Марди-майдон.  
20.25 Ёшлик навалари.  
20.50 «Эсмералда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол. Танлафус  
пайтмида -  
23.55 Давр.

«Ёшлар» телеканал  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси,  
Келинг, танишайлик.  
9.45 «Покахонтас». Мультсериал  
16-қисм.  
10.10 Кинотакдим.  
10.30 Мусиқий лаҳзалар.  
10.50 «Эсмералда». Телесериал.  
11.20 Бизнес-академия.  
11.35 Ёшлар овози.  
11.55 Саломатлик сирлари.  
12.15 «Жан Кристоф». 6-қисм.  
13.05 Мутолаа.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Кўҳна оҳанглар.  
15.15 Фазал соғини.  
15.35 Болалар экран: «Кувнок  
сеҳрарлиқ».  
16.40 Мунозара.  
17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ  
кабутар, Олтин қалит.  
17.35 «Покахонтас» Мультсериал.  
17-қисм.  
18.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.20 Автопатруль.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Давр-интервью.  
20.05 Марди-майдон.  
20.25 Ёшлик навалари.  
20.50 «Эсмералда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол. Танлафус  
пайтмида -  
23.55 Давр.

«Тошкент» телеканал  
17.20 Серил на ТТВ. «23,5  
даражали бурчак остида». 5-  
қисм.  
17.40, 19.10, 21.50 «Экспресс»  
телегазетаси.  
18.00 Болалар соати.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.10  
«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.  
18.50 «Тиббиёт сиз учун».  
19.30 «Спорт ва болалар».  
19.45 «Авто-news».  
20.30 Серил. «Азизам Изабель».  
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам  
бақадам».  
22.30 «Кинооко».

«Халқаро» телеканал  
Биринчи канал.  
7.30 - 9.00.  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.  
17.15-17.45.  
17.50 «Вести».  
18.05 «Евроноьюс» янгиликлари.  
Биринчи канал.  
18.20 «Биз анойи эмасмиз»  
Ҳажвий кўрсатув.  
19.00 «Оилавий ришталар»  
Серил.  
20.00 «Сунгги қаҳрамон-2».  
21.00 «Время».  
21.40 СҒ тақдим этади: «Рақс  
саёҳати».  
21.55 «Жаҳон бўйлаб».  
22.40 «Ўз-ўзига режиссёр».  
22.40 «Форт Боярд».  
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».  
24.00 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 5

«Ўзбекистон» телеканал  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектеlevision» намойи-  
ши: «Гилам», «Сўзана».  
9.20 «Соз сеҳри».  
9.40 «Соғлом она - соғлом  
бола».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.25 «Еввойи оқушлар».  
Бадий фильм.  
11.45 «Спорт, спорт, спорт».  
12.05 «Талабалик йилларим».  
12.25 «Париси бор уй».  
12.45 «КиноТеатр».  
13.05 Ўзбекистон халқ артист-  
лари. Н. Ҳайдаров.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Рангин дунё».  
14.30 Кундузги сеанс:  
«Кўчатлар». Бадий фильм.  
15.55 «Сийёсат оламида».  
16.15 «Ўзбектеlevision»  
намоиши: «Фидоийлар  
корхонаси».  
16.35 Дутор ва танбур таро-  
налари.  
16.55 «Ватанимга хизмат  
қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орсуси»  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.10 «Тафсилот».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янги-  
ликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Рамазон ойингиз  
муборак!»  
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк  
маротаба: «Ошин». Телесериал  
премьераси.  
22.05 «Ўзбекистон - Ватаним  
маним».  
22.25 «Олам футбол».  
22.45 «Мувоозанат».  
23.10 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканал  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси,  
Келинг, танишайлик.  
9.45 «Покахонтас». Мультсериал  
16-қисм.  
10.10 Кинотакдим.  
10.30 Мусиқий лаҳзалар.  
10.50 «Эсмералда». Телесериал.  
11.20 Бизнес-академия.  
11.35 Ёшлар овози.  
11.55 Саломатлик сирлари.  
12.15 «Жан Кристоф». 6-қисм.  
13.05 Мутолаа.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Кўҳна оҳанглар.  
15.15 Фазал соғини.  
15.35 Болалар экран: «Кувнок  
сеҳрарлиқ».  
16.40 Мунозара.  
17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ  
кабутар, Олтин қалит.  
17.35 «Покахонтас» Мультсериал.  
17-қисм.  
18.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.20 Автопатруль.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Давр-интервью.  
20.05 Марди-майдон.  
20.25 Ёшлик навалари.  
20.50 «Эсмералда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол. Танлафус  
пайтмида -  
23.55 Давр.

«Тошкент» телеканал  
17.20 «23,5 даражали бурчак  
остида». 6-қисм.  
17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс»  
телегазетаси.  
18.05 Болалар соати.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20  
«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.  
18.50 «Химоя».  
19.30 «Мумтоз наволар».  
20.30 Серил. «Азизам  
Изабель».  
21.30 «Туризм ҳақида».  
23.15 «Кинооко». «Виллада».

«Халқаро» телеканал  
Биринчи канал.  
7.30-9.00.  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.  
17.15-17.45.  
17.50 «Вести».  
18.05 «Евроноьюс» янгиликлари.  
Биринчи канал.  
18.20 «Биз анойи эмасмиз»  
Ҳажвий кўрсатув.  
19.00 «Оилавий ришталар»  
Серил.  
20.00 «Сунгги қаҳрамон-2».  
21.00 «Время».  
21.40 СҒ тақдим этади: «Рақс  
саёҳати».  
21.55 «Жаҳон бўйлаб».  
22.40 «Ўз-ўзига режиссёр».  
22.40 «Форт Боярд».  
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».  
24.00 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 6

«Ўзбекистон» телеканал  
5.30 «Рамазон тўхфаси»  
5.50 «Ўзбектеlevision» намойи-  
ши: «Шарифа момо».  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Мувоозанат».  
9.25 «Симфоник мусиқа дунёси».  
9.45 «Тафсилот».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Душанбагача бир гап  
булар». Бадий фильм.  
12.05 «Хуққ сабоқлари».  
12.35 «Остонаси тиллодан».  
13.00 «Санаъат баҳшида умр».  
Х. Қосимов.  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Баркамол авлод орсуси»  
14.30 «Диққат, шаҳарда сеҳрар!»  
Бадий фильм.  
15.25 «Ягона оилада».  
«Болалар сайёраси»:  
15.55 1. «Мақтублар - кабутар-  
лар».  
2. «Сеҳрли ҳарфлар ороласи».  
16.55 «Рамазон тўхфаси».  
17.15 «Ишон».  
17.35 «Меҳрибон тулки».  
Мультфильм.  
18.10 Ажаб саодат эрур»  
Бадий-публицистик кўрсатув.  
18.30 «Умид». Телелоторя.  
19.00 Бир жуфт кўшиқ.  
19.10 «Мулк».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Юзма-юз»  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз»  
21.20 «Ўзбекистон» телекана-  
лида илк маротаба: «Ошин».  
Телесериал премьераси.  
21.50 «Спорт, спорт, спорт».  
22.05 «Кўшиққа кўнган сатрлар».  
М. Тоир.  
22.35 «Эҳсон». Теленовелла.  
22.55 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканал  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ  
кабутар, Олтин қалит.  
9.45 «Покахонтас». Мультсериал.  
17-қисм.  
10.10 Давр-интервью.  
10.25 Мусиқий лаҳзалар.  
10.45 «Эсмералда». Телесериал.  
11.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.30 Саломат бўлинг.  
11.50 «Жан Кристоф». 7-қисм.  
12.40 Ёшлар овози.  
13.00 Болалар экран:  
«Мультмоша»  
13.15 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Теннис.  
13.55 Кўҳна оҳанглар.  
14.10 «Кусто командасининг сув  
ости саргузаштлари».  
15.00 Автопатруль.  
15.20 «Гул ва тош». Бадий  
фильм 1-қисм.  
16.40 «Янги авлод» студияси:  
Ҳамма нарсаи билишни  
истайман, Болалар шеъроти.  
17.10 «Покахонтас». 18-қисм.  
17.40 Болажон.  
17.55 Огоҳли давр талаби.  
18.10 Чемпион сирлари.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Кўҳна оҳанглар.  
19.45 Очил дастурхон.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Ракурс.  
20.30 Савги тароналари.  
20.55 «Эсмералда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».  
23.10 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал  
17.20 «23,5 даражали бурчак  
остида». 7-қисм.  
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс»  
телегазетаси.  
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».  
18.30, 20.00, 21.10, 22.35  
«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.  
18.50 «Аёл қалби».  
19.30 «Эхтиром ила».  
19.45 «Долзарб репортаж».  
20.30 Серил. «Азизам Изабель».  
21.30 «Дорихона зийтади».  
23.00 «Кинооко». «Карнавал»  
1-серия.

«Халқаро» телеканал  
Биринчи канал.  
7.30-9.00.  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.  
17.15-17.45.  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Вести».  
18.05 «Евроноьюс» янгиликлари.  
Биринчи канал.  
18.20 «Инсон ва қонун».  
19.00 «Оилавий ришталар»  
Серил.  
20.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.  
21.00 «Время».  
21.35 Киноматограф. «Оилавий  
шароитларга кўра». Бадий  
фильм.  
23.40 «Топ-музика».  
23.50 «Юлдузлар фабрикаси».  
УзТВ - IV  
УзТВ-IV  
00.20 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 7

«Ўзбекистон» телеканал  
5.30 «Рамазон тўхфаси»  
5.50 «Ҳамиша навқирон  
қалблар». Телесериал.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 1. «Мақтублар - кабутарлар».  
2. «Сеҳрли ҳарфлар ороласи».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Бегоналарнинг кириши  
мумкин эмас, мумкин». Бадий  
фильм.  
11.35 «Фанимиз истиқболлари».  
12.05 «Нафосат гулшани».  
12.30 «Оламво саёҳат».  
12.50 «Спорт, спорт, спорт».  
13.05 «Ажаб саодат эрур»  
Бадий-публицистик кўрсатув.  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Кўшиққа кўнган сатрлар».  
М. Тоир.  
14.40 «Ёшлик шиддати». Спорт  
дастури.  
15.00 «Моҳият».  
15.20 Ф. Даминов. «Дарбадар  
ғариб». Спектакль.  
«Болалар сайёраси»:  
15.55 1. «Цирк, цирк, цирк».  
2. «Мен бобомдек бўлишни  
хоҳлайман».  
16.55 «Рамазон тўхфаси».  
17.15 «Нурли манзиллар».  
17.35 «Кўйла, ёшлигим».  
18.10 «Сияҳт-саломатлик».  
18.30 «Тафсилот».  
17.15 «Унутмас мени боғим»  
Бадий-публицистик кўрсатув.  
17.35 Мумтоз наволар.  
17.50 «Ривож».  
18.10 «Ўзбекистон: XX1 аср  
ёшлари».  
18.30 «Яши ният». Телелоторя.  
19.05 «Ҳаёт қомуси».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Соғлом она - соғлом  
бола».  
21.25 Бир жуфт кўшиқ.  
21.35 Телелоторя: Озиқ-овқат  
маҳсулотларининг сифати.  
22.15 «Давр фарзанди».  
22.45 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканал  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси:  
Ҳамма нарсаи билишни  
истайман, Болалар шеъроти.  
9.45 «Покахонтас». 18-қисм.  
10.10 Болажон.  
10.25 Мусиқий лаҳзалар.  
10.35 ТВ-анонс.  
10.40 «Эсмералда». Телесериал.  
11.10 Спорт-қўйтаси.  
11.40 Чемпион сирлари.  
12.00 «Жан Кристоф». 8-қисм.  
12.50 Ёшлар овози.  
13.10 Кўҳна оҳанглар.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Ракурс.  
15.20 Болалар экран:  
«Мультмоша»  
15.35 «Гул ва тош». Бадий  
фильм 2-қисм.  
16.55 Уйна, болажон, уйна.  
17.10 «Янги авлод» студияси:  
Дунё ва болалар.  
17.30 «Покахонтас». 19-қисм.  
18.00 «Coscom» хабарлари.  
18.05 Огоҳ.  
18.20 Табобат оламида.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 «Давр»-интервью.  
20.05 Мезон.  
20.30 Ёшлик навалари.  
20.55 «Эсмералда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».  
23.10 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал  
17.20 «23,5 даражали бурчак  
остида». 8-қисм.  
17.45, 19.15, 22.00 «Экспресс»  
телегазетаси.  
18.05 Болалар соати  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20  
«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.  
18.50 «М худуди».  
19.35 «Осмон бизнинг заминдан  
бошланади».  
19.50 ТТВада мусиқа.  
20.30 «Азизам Изабель».  
21.30 «Ҳамшаҳарлар».  
22.35 «Кинооко». «Карнавал»  
2-серия.

«Халқаро» телеканал  
Биринчи канал.  
7.30-9.00.  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.  
17.15-17.45.  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Вести».  
18.05 «Евроноьюс» янгиликлари.  
Биринчи канал.  
18.20 «Хазил кетидан ҳазил».  
18.40 «Нигох».  
Биринчи канал.  
19.05 Е. Петросян ва Е.  
Степаненко «Оила қувончлари»  
концертида.  
21.00 «Время».  
21.30 Е. Петросян ва Е.  
Степаненко «Оила қувончлари»  
концертида (давоми)  
23.25 «Юлдузлар фабрикаси».  
УзТВ - IV  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Жума, 8

«Ўзбекистон» телеканал  
5.30 «Рамазон тўхфаси»  
5.50 «Сарнашма». Телесериал.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».  
2. Мен бобомдек бўлишни  
хоҳлайман».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар.  
10.05 «Соҳибжамол Ойсулув  
ҳақида ривоят». Бадий фильм.  
11.15 «Узлгинг намоён қил».  
Экранда - Хоразм вилояти.  
11.40 «Ўзбекистон: XX1 аср  
ёшлари».  
12.05 «Ҳаёт қомуси».  
12.25 ТВ анонс.  
12.30 «Мусиқа ва театр».  
12.55 «Давр фарзанди».  
13.25 «Олам». Телесериал.  
14.10 Телелоторя: Озиқ-овқат  
маҳсулотларининг сифати.  
14.50 ТВ клип.  
15.00 «Номини ҳам сўраман».  
Теленовелла.  
15.55 1. «Уйна, Изла, Топ!»  
Телесериал.  
2. «Куч нимада? Мультфильм».  
16.55 «Рамазон тўхфаси».  
17.15 «Нурли манзиллар».  
17.35 «Кўйла, ёшлигим».  
18.10 «Сияҳт-саломатлик».  
18.30 «Тафсилот».  
18.45 Мумтоз наволар.  
19.05 «Хидоят сари».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Бир жуфт кўшиқ.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Озода Нурсаидова  
қўйлади.  
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк  
маротаба: «Ошин». Телесериал  
премьераси.  
22.15 «Олтин бешик».  
22.35 «Спорт, спорт, спорт».  
22.50 «Йул бошида».  
23.10 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканал  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси:  
Дунё ва болалар.  
9.35 «Покахонтас». Мультсериал  
19-қисм.  
10.00 Уйна, болажон, уйна.  
10.15 «Давр»-интервью.  
10.30 Мусиқий лаҳзалар.  
10.45 «Эсмералда». Телесериал.  
11.15 Ёшлар овози.  
11.35 Мезон.  
12.00 Жаҳон жўрофияси.  
12.50 Бир ўлкаки.  
13.10 Кўҳна оҳанглар.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Огоҳли давр талаби.  
15.15 «Coscom» хабарлари.  
15.20 Болалар экран: «Урмон  
эртақлари». Мультфильм.  
15.35 «Кусто командасининг сув  
ости саргузаштлари».  
16.25 Хуш келибсиз.  
17.00 «Янги авлод» студияси: У  
ким? Бу нима? - 20-қисм.  
17.20 «Покахонтас». 20-қисм.  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Автосалтанат.  
18.05 Жар ёқасида.  
18.20 Ёшлар овози.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 «Давр»-репортаж.  
20.00 Оҳанрабо.  
20.35 Ёшлик навалари.  
20.55 «Калбим чегаги» 9-қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.45 Тунги тароналар.  
22.55 «Ортиқча юк». Бадий  
фильм.

«Тошкент» телеканал  
17.20 «23,5 даражали бурчак  
остида». 9-қисм.  
17.45, 19.15, 21.50 «Экспресс»  
телегазетаси.  
18.05 Болалар соати  
18.30, 20.00, 21.10, 22.10  
«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.  
18.50 «М худуди».  
19.35 «Осмон бизнинг заминдан  
бошланади».  
19.50 ТТВада мусиқа.  
20.30 «Азизам Изабель».  
21.30 «Ҳамшаҳарлар».  
22.35 «Кинооко». «Бриллиант  
қўл».


«Халқаро» телеканал  
Биринчи канал.  
7.30-9.00.  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.  
17.15-17.45.  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Вести».  
18.05 «Евроноьюс» янгиликлари.  
Биринчи канал.  
18.20 «Хазил кетидан ҳазил».  
18.40 «Нигох».  
Биринчи канал.  
19.05 Е. Петросян ва Е.  
Степаненко «Оила қувончлари»  
концертида.  
21.00 «Время».  
21.30 Е. Петросян ва Е.  
Степаненко «Оила қувончлари»  
концертида (давоми)  
23.25 «Юлдузлар фабрикаси».  
УзТВ - IV  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Шанба, 9

«Ўзбекистон» телеканал  
5.30 «Рамазон тўхфаси»  
5.50 «Ўзбектеlevision» намойи-  
ши «Кўксуд дарёси бўйлаб»  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 1. «Уйна, Изла, Топ!»  
Телесериал.  
9.40 «Хидоят сари».  
10.00 «Мусиқа бўстони».  
10.20 «Олтин бешик».  
10.40 ТВ 1 кинотеатри: «Шерлок  
Холмс ва доктор Ватсоннинг  
саргузаштлари». Бадий  
фильм. 2-Фильм. 1-қисм.  
11.55 «Спорт, спорт, спорт».  
12.10 Шерлок Холмс ва доктор  
Ватсоннинг саргузаштлари».  
Бадий фильм. 2-Фильм.  
2-қисм.  
14.00 «Маърифат».  
14.25 Озода Нурсаидова  
қўйлади.  
15.05 1. «Езувчи ва замон». 2.  
«Шеър ва шуур».  
15.40 Болалар учун. «Фла-  
минго».  
16.05 «Ягона оилада».  
16.35 «Бахтимизга омон бўлинг»  
16.55 «Рамазон тўхфаси».  
17.15 «Авлодлар соғини».  
17.35 «Бу ажиб фасл».  
17.55 «Орзулар қанотида».  
18.10 «Муъжизалар майдон-  
часи». Телешоу.  
19.10 «Рангин дунё».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.30 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар  
учун дам олиш дастури.  
21.40 Телевизион миниатю-  
ралар театри.  
22.10 Футбол бўйича Ўзбекистон  
чемпионати. «Дустлик»  
«Металлург».  
23.00 «Ахборот-дайжест».  
23.20 «Ёшлар одами». Бадий  
фильм. 1-қисм.

**САФИН ШАНХАЙГА БОРАДИ**

Россиялик профессионал ракета устаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги соҳиби Марат Сафин ушбу ойда Шанхайда бўладиган "Masters Cup" турнирининг якуний босқичида иштирок этади. У яқинда Парижда ўтказилган турнирда аргентиналик Дэвид Налбандян устидан галаба қозониб, ўз рейтингини учун муҳим очкони қўлга киритди. Жорий йилда Сафин ва Налбандянлар уч бора учрашган бўлиб, ҳар гал омад Сафинга кулиб боқди.




дьян устидан галаба қозониб, ўз рейтингини учун муҳим очкони қўлга киритди. Жорий йилда Сафин ва Налбандянлар уч бора учрашган бўлиб, ҳар гал омад Сафинга кулиб боқди.

**ШЕВЧЕНКО: МЕН "МИЛАН"ДА ҚОЛАМАН**

Украиналик моҳир футболчи Андрей Шевченко Италиянинг "Милан" клубида ўз фаолиятини давом эттиришини айтди. Бўлиб ўтган матбуот анжуманида Шевченко жамоадаги ўз мавқеидан қониқиб қолганини айтган. Ўтган ёзда тиззасидан жароҳат олган Шевченко ҳақида оммавий ахборот воситалари, унинг "Манчестер Юнайтед" ёки "Реал" клубларига ўтиши мумкинлиги ҳақида ёзган эди. "Милан" эса, бу йил яхши кўрсаткичларни қўлга киритди. Жумладан, мамлакат биринчилигида иккинчи ўринни банд этган ушбу клуб чемпионлар лигасида иккинчи гуруҳ босқичига чиқди.

**ЛЬЮИСНИНГ МАҚСАДИ**

Оғир вазни профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган англиялик Леннокс Льюис 2003 йилнинг 1 февраль куни украинalik чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко билан учрашув ўтказди. Америкалик "Темир мушт" номини олган қора танли Майк Тайсон устидан галаба қозонган Льюиснинг мақсади чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолиш ва Муҳаммад Али сингари катта шон-шўҳрат билан рингни тарк этишдир.



Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод К.Ф.Й худудида жойлашган "Исматилла" хусусий фирмаси бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Назарбек қишлоқ кенгаши Ахмадҷонов Умидҷон Джураевич номига олинган Хусусий тадбиркорлик юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги И.И.Сотиболдиев номидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Ўлмасов Дилмурод Отақўзиевич номига берилган О'РВ № 012427 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ҳамда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунлари юртимизда таълим-тарбия жараёнларини янада кенгайтириш, ўқувчи-ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб етиштиларини таъминлаш масалаларига кенг йўл очиб бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг спорт

**Taklif**

спортчиларни танлаб олиш ва уларнинг маҳоратларини юксак даражага кўтаришга сабаб бўлмоқда. Шу билан биргаликда касб-хунар коллежларида ёшларни спортга жалб қилиш халқ миллий ўйинларини чуқурроқ сингдириш ва айниқса, "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тест-синовлари метрларини бажаришга тайёрлашда баъзи бир муаммолар мавжудлиги яққол сезилмоқда.

спорт клуби уставида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўлда вилоятлардаги уюшмалар таркибиде "Баркамол авлод" бўлимини ташкил қилиш зарурдир. Таъкидлаш лозимки, Республика "Талаба" спорт уюшмасининг иш фаолиятини яхшилаш ва янги талаблар асосида қайта қуриб чиқиш унинг низомига баъзи бир кўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Бу жараёнлар яқин келажакда тўла амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. "Баркамол авлод" спорт клубини бошқариш" номли янги услубий

**ШУНДАЙ ҚИЛСА БЎЛАДИМИЗ?**

**ЁХУД "БАРКАМОЛ АВЛОД" СПОРТ КЛУБЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА**

тадбирларини юқори поғонага кўтаришга сабаб бўлди. Шу асосда Республика "Талаба" спорт уюшмаси ташкил этилиб, (2000 йил 30 март), унинг вилоятларда тармоқлари вужудга келди. Бугун деярли барча олий ўқув юртрларида мазкур спорт уюшмаси ўз-ўзини бошқариш таъминоти асосида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ижодий ва амалий меҳнатлари асосида олий ўқув юртрлари талабаларининг "Универсиада"лари зўр муваффақият билан ўтказилди. Шунингдек, ўрта махсус ўқув юртрларининг ўқувчи-талабалари ўртасида "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бундай кенг қамровли оммавий спорт тадбирлари юртимиз ёшлари орасидан истеъдодли

Бунда уларни спортга қизиқтириш, спорт турлари бўйича тўғрақлар (секция) ташкил қилиш, командалар тузиш, ўзаро ўртоқлик учрашувларини уюштириш, халқ миллий ўйинларини кенг тарғиб қилиш, спорт ва ўйин майдонларини жиҳозлаш каби энг зарур тадбирларда оқсоқланиш давом этмоқда. Бундай тадбир ва вазифаларни ташкил этишда жисмоний тарбия ўқитувчиларига бевосита амалий ёрдам берувчи ташкилотнинг зарурлиги аниқ — ойдин кўринмоқда. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда энг аввало, ҳар бир касб-хунар коллежларида "Баркамол авлод" спорт клубларини таъсис этиш лозим бўлади. Бунинг учун эса олий ўқув юртрлари талабаларининг "Талаба"

қўлланма тайёрланмоқда. Шу ўринда жойлардаги спорт кўмиталари халқ таълими бошқармалари маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги умуман касб-хунар коллежларига эга бўлган идоралар бевосита амалий ёрдам беришларини сўрар эдик. Қайси идора ва тармоқларга қарашли бўлмасин барча УМКХТ раҳбар ходимлари ўз жамоаларида "Баркамол авлод" спорт клублари ташкил этиш ишларини жадаллаштиришга ижобий қарайди, деган умиддамиз.

**Т.ХОЛДОРОВ,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент,  
**Р.АБДУМАЛИКОВ,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**ОРЗУҚИЛГАН КЎМПАНИЛАР КЎЧ!**

Ниҳоят, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлислари орзу қилган кунлар ҳам етиб келди! Мамлакатимиз ёшлар терма жамоасининг Қатарда ўтказилган Осиё чемпионатидаги муваффақиятли ва зафарли иштирокларидан сўнг бу гапни айтишга минг қарра ҳақлимиз! Юрағида она юрғи нисбатан тексиз муҳаббат ва садоқат бўлган футболчиларимизни буғун қанчалар олқишласак, шунчалек арзийди. Негаки, улар бундан аввал ҳеч қайси терма жамоамиз уддалай олмаган ЖЧга чиқиш вазифасини қўйилмақом қилиб бажаришди.

Энди бевосита В.Борисов шогирдларининг ЖЧга чиқиш йўлидаги ўтказган учрашувларига тўхталсак. Ҳали саралаш ўйинлари бошланмай туриб, Ўзбекистоннинг гуруҳда ғолиб бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаётганди. Аслида ҳам шундай бўлди. Саралашнинг биринчи турдаёқ ёшларимизнинг гуруҳда биринчи ўринни эгаллашлари 99 фоизга аниқ бўлиб улғурди: асосий рақиб Туркменистон устидан ажойиб галаба — 7:0. Кейинги ўйин Непал билан бўлди ва жамоа етакчиси А.Гейнрих (6 та), Э.Магдеев (3 та), Нодир Қўзйбоев (2 та) ва И.Иномовларнинг (1 та) киритган голлари эвазига 12:0 ҳисобида ютқуқа эришилди. Қитъа биринчилиги бошлангунга қадар ҳам бир неча ўртоқлик учрашувларида майдонга тушган ёшларимиз яхши натижаларни қўлга киритишди: Эрон билан сафардаги икки ўйин — бир ютук, бир мағлубият; Ҳиндистон билан Тошкентдаги ўйин — 4:0 ҳисобидаги галаба.

Аммо энг керакли натижалар барибир Доҳада қайд этилди. Туркибида бир неча "юлдуз"ларни ўзида жамлаган терма жамоамизни Қатарга қузатаётганимизда қалбимизда битта истак бор эди: ЖЧга чиқиш. "Етар шунча мағлубликлар..."

Биз ёшларимизга ишонардик. Ишончимизга бир қанча асослар ҳам бор эди. Булар жамоадаги аҳиллик, уюшқоқлик ва энг асосийси ватанпарварлик...

Қитъа биринчилигини вакилларимиз ишончли галаба билан бошлашди. Улар таиландлик тенгқурларини ҳар томонлама енгдилар. А.Гейнрих, Ш.Саломов, Э.Маг-

деев ва М.Холиқовларнинг биттадан киритган тўпларига рақиблар жавоб қайтара олишмади. Иккинчи турда жамоамиз Жанубий Корея билан тенгма-тенг ўйнаб, ютқазиб қўйдилар — 0:2. Мазкур ўйиндан сўнг юракларда ҳаяжон ва хавотир уйғонди: нахотки енгилиб қайтишса?! Йўқ, қўрқув ҳисси ёшларимизга бегона эди. 21 октябрь оқшомида улар шундай ўйин кўрсатишдики, рақиблари уларни ҳисобда ҳам, ўйинда ҳам қувиб етишлари ниҳоятда қийин эди. Бу гапимизни ўша куни "хет-трик"ка эришган А.Гейнрих ҳам тасдиқласа керак. Қатар жамоаси устидан 5:4 ҳисобида зафар қучган вакилларимиз 1/4 финалга чиқдилар.

Чорак финал, Ўзбекистон — Сурия ўйинини, 26 октябрни футбол ишқибозлари бир умр ёдларида сақласалар, ажаб эмас. Айнан ўша куни вакилларимиз ЖЧга интизорлик билан кутилган йўлланмани қўлга киритиб, миллионлаб нигоҳларга қувонч ҳада этдилар. Бу гал ҳам 4:0 ҳисобида устун келган Ўзбекистон ёшлари келаси йили БАА да бўлиб ўтадиган ЖЧда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдиган бўлдилар.

ЖЧ йўлланмасини нақд қилиб қўйишган жамоамиз аъзолари 29 октябрь куни ярим финал беллашувида "кунчиқар юрт" вакилларига қарши майдонда тўп суришди. И.Зейтуллаев ҳисобни очган бўлса-да, тажрибали японлар мувозанатни тиклашди. 1:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармай қолди, пенальтилар бўйича эса — 2:4. Японлар — финалда.

31 октябрь куни Ўзбекистон терма жамоаси 3-ўрин учун ўйинда ярим финалда Жанубий Кореяга 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйган Саудия Арабистони терма жамоаси билан майдонга тушди. Унда юртдошларимиз 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Худди шундай галабаларни терма жамоамиз жаҳон чемпионатида ҳам қўлга киритишларини истаб қоламиз. Ишонамизки, зафарли одимлар ҳали олдинда! Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилишдек бахт Сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Баракалла, йигитлар!

**Элмурод НИШОНОВ**

**Faxr**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси "Ўздавлаттаълимлойихақурилиш" институти бош инженери

**Лилия Алексеевна КОВАЛЕВАНING** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ва компьютер технологиялари факультети жамоаси "Программалаш технологиялари" кафедраси мудири, профессор А.А.Холджигитовга онаси

**ХОЛБУВИ АЯНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси "Физика, математика ва информатика" журналининг бош муҳаррир ўринбосари

**Тургун ака ТўЛАГАНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, физика-математика факультети жамоаси "Математика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси мудири, профессор

**Тургун ТўЛАГАНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шуккур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулжар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1028.

Тиражи 23316 Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоқ.

Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Аҳмадҷон ОТАБОЕВ. Навбатчи: Муҳаммадҷон ИСРОИЛОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА саҳифалалди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30

# SINGAPORE SAMARKAND

## DAIRY CLASSIC



**“Singarore-Samarkand”**  
хорижий корхонаси  
хусусий тадбиркорлар ва тижорат  
фаолияти билан шуғулланувчи  
юрidik шахсларни, расмий дилерларни  
юқори сифатли музқаймоқ етказиб  
бериш юзасидан ҳамкорликка  
таклиф этади.

Бизнинг музқаймоқларимиз 2001 йилда  
Марказий Осиё давлатларида ўз юқори  
сифати билан эътироф этилган!



Мурожаат учун телефонлар:  
Тошкентда: 79-87-46, 79-87-22  
Самарқандда: 31-14-69, факс: 31-23-94